



## Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар

Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазма мажмуасида  
Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рафбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур тадбирда вазирликлар, идоралар, банклар, иқтисодийётимизнинг барча тармоқлари даги корхоналар, хусусан, хусусий ва қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимидағи илмий мұассасалар, олий ўқув юртлари, илмий марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, қатор ҳалқаро ва молия тузилмалари вакиллари иштирок этди. Шу жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид 32та инновацион ғояҳа “Ахборот технологиялари” секторида ташриф буюрувчилар ётиборига ҳавола этилди.

3-бет



### Сўнгги янгилик!

Алоқа оламида:

Nokia компанияси ҳамон мобил телефонлар сотишда етакчи, бироқ капиталлаштириш даражаси бўйича HTC – смартфонлар ишлаб чиқарувчи йирик Осиё компанияси ундан ўзиб кетди (Nokianing бозор баҳоси – 33,6 млрд. доллар, HTC – 33,8 млрд. доллар). Шунингдек, яна бир жилдій рақобатчи – BlackBerry смартфонлари билан машҳур Канаданинг Research in Motion (RIM) компанияси ҳам ортда қолдирилди.

Таҳтилчилар бу ҳолатни Android платформасига асосланган янги HTC телефонларига талабнинг ўта юқорилиги билан изоҳлашган.

### Ушбу сонда:

- Ватан тараққиётига ҳисса қўшамиз 2
- Янги имкониятлар... 4
- CMS – выгоды и преимущества 6
- Рақамли почта қутиси 11
- “ZiyoNET”да учрашув 16

### Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Юргашимиз тақлиғига кўра, Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарин мукаммал ҳолда, юқсан сифат билан янгитдан чоп этилди. Халқаро Амир Темур жамғараси ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Берунийномидаги Шарқпунослик институти томонидан нашрига тайёрланган китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сўзбошиси билан бошланади.

Матбуотда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида “Камолот” ЁИҲ билан ҳамкорликда ўтказилган “Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчиликини ривожлантириш – давр талаби” мавзуудаги семинарда давлатимиз разбарни томонидан бу борада илгари суриглан сайловга оид миллӣ қонунчиликимизни янада такомиллаштириш борасидаги тақлиф ва яйлар, белгилаб берилган долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашиди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Вояга етмагандар ишлари бўйича комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Йигилишда вояга етмагандар виждан эркинлигини таъминланши, уларга диний таълимдан сабоқ бериш тартибига риоя қилиниши, вояга етмагандар ўтасида диний экстремизм ва ақидаларистликнинг оддини олиш борасидаги ишларнинг ахволи, шунингдек, ушбу масала юзасидан Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Исломободда Ўзбекистон – Покистон хукуматларо комиссиясининг бешинчи йигилиши доирасида Покистон давлат муассасалари, ишбилармон ҳамда эксперт-таҳлилий доиралар вакиллари учун “Кичик бизнес ва хусуси тадбиркорлик йили” мавзууда тақдимот маросими ташкил этилди.

Республика илмий педагогика кутубхонасида Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси ҳамда “Ижод” фонди томонидан “Биринчи китобим” руҳни остида нашр этилган ёш ижодкорларнинг китоблари тақдимоти ўтказилди. Тақдимот сўнгиди ушбу руҳни чоп этилган китоблар кутубхона ҳамда ахборот-ресурс марказларига тақдим этилди.

Нукус ҳамда Урганч шаҳарларида худудий саноат ярмараси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Ярмаркада турли номинацияда голиблар аниқланниб, улар сертификат ва қимматбахо соввалар билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмаси биносида “Кўли гулдир ўзбек аёлин...” кўргазма-савдоси иш бошлади. Ҳар ийли анъанавий тарзда ўтказиб келинётган ушбу кўргазма 21 апрелга қадар давом этади.

# MUSTAQILLIK BAYRAMINING 20 YILLIGI OLDIDAN

## Ватан таракқиётига ҳисса қўшамиз

Истиклол йиллари радиочастота спектрини бошқариш соҳасида туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Радиочастота спектрини бошқариши масалалари мустакил давлатнинг ўз ҳукукига айланди.

Бундан 13 йил олдин Ўзбекистон Республикасининг “Радиочастота спектри тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши радиочастота тақсимотидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқи асосини белгилаб берди. Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича сезиларни ишлар қилинди. Энг муҳими, биз хизмат қилаётган соҳаининг мустақил Ватанимиз тараққиётидаги муносаби ўрни борлиги тан олини.

Кейинги йилларда жамоамиз катта кулагиларга эга бўлди. Гап шундаки, илгари эски, мослаштирилмаган бинода фаолият кўрсатиб келардик, ҳозирги кунда эса замонавий техника ва зарур жиҳозлар ўрнатилган ишконамис кўп қаватли бинода жойлашган. Барча компютер техникини ҳамда турли алоқа воситалари билан таъминланганимиз.

Германиянинг “Rohde & Schwarz” заводида ишлаб чиқилган радиочастота спектрини таҳлил қилювчи радиоқабулқилигичлар ва пеленгация жиҳозларидан иборат “ARGUS” дастури орқали фаолият кўрсатувчи тизимнинг жорий этилиши радионазорат пунктилизи фаолияти тезкорлигини таъминлади. Шу билан бирга, жамоамизда радиочастота спектрини техник назорат қилювчи радио қабул қилиши ва пеленгация мобил станцияси ҳам мавжуд.

Йўлга қўйилган бундай янгиликлар мутахассисларимизга аввалидик радиочастота спектрини бир жойда ёки стационар ҳолатда туриб эмас, балки маҳсус машина билан сайдер, яъни ҳаракатланган ҳолда назорат қилиш имконини бермоқда. Натижада фаолиятимиз самарадорлиги ортиб бояпти. Эътиборлиси шундаки, янги мураккаб техникани ўзлаштириша ва кўллашда хориж ўкув дар-

гоҳларда малака ошириб келган Рустам Муродов каби иқтидорли ходимларимизнинг хизмати катта бўлмоқда.

Ўтган йилда техник имкониятимиз янада мустаҳкамланди. Германиядан келтирилган 9 кГц дан 7.5 ГГц диапазонда ишловчи ва хизматчи кўтариб олиб юрилувчи қабул қиличига мустакил Ватанимиз тараққиётидаги муносаби ўрни борлиги тан олини.

**Янги технологиялар вилоятимизда рухсатномалар асосида ишловчи радиоэлектрон воситалар мониторингини атрофлича амалга ошириш билан бирга, ноқонуний ишлаётган радиоэлектрон воситаларни тезкорлик билан аниқлашда катта аҳамият касб этмоқда.**

яъни қисқа тўлқин диапазонида ҳам, ултракисқа тўлқин диапазонларида ҳам бемалол радиомониторинг ўтказиш имкониятларимиз мавжуд.

Бир сўз билан айттанди, бундай янги технологиялар вилоятимизда рухсатномалар асосида ишловчи радиоэлектрон воситалар мониторингини атрофлича амалга ошириш билан бирга, ноқонуний ишлаётган радиоэлектрон воситаларни тезкорлик билан аниқлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Жамоамиз вилоят ҳуқуқни муҳофаза килиш идоралари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келяпти. Вилоят ички ишлар бошқармаси, Давлат солиқ инспекцияси, Солиқ ва валотага оид жиноятларга қарши курашши департаменти, Божхона бошқармаси билан биргаликда назорат ишларимиз мақсадга мувофиқ бўляпти. Бундан ташқари, аҳоли орасида соҳага доир тарбибот ишлари

олиб боришимизда маҳаллий оммавий ахборот воситалари яқиндан ёрдам бермоқда.

Матбуот саҳифаларида бериладиган эълонлар сабаб фуқаролар ўз хоҳиши-истаги билан оғисимизга келиб, радиоэлектрон воситаларини рўйхатдан ўтказган ҳолда тегиши рухсатномаларни қонуний расмийлаштироқдалар.

Кўплаб соҳалар қатори жамоамиз меҳнати ҳам руҳий ва жисмоний бардамлини талаб этади. Шунинг учун бўш вакилларда спорт билан шугулланиши, вилоят ҳамда мамлакатимизнинг диккатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳатга чиқиш, сиҳатгоҳларда саломатликни мустаҳкамлашга имкон қадар ҳаракат қиласиди.

Айниқса, спортнинг оммавийлигига эришиш доимий диккэт-эътиборимизда. Жамоамиз асосан ёшлардан иборат. Улар билан ҳар қандай юқори натижага эришиш мумкин. Айниқса, минифутбол ўйини жамоамизнинг энг севимли машгулоти.

Вилоят алоқа корхоналари иштироқида бўлаётган мубобақаларда голибликка эришиб, соҳа ходимларининг худудий биринчилкларига борганимиз. Спортнинг бу тури бўйича вилоят кубогини доимий сақлаш ҳуқуқини кўлга киританинг эса энг кувончи воқеа бўлди. Менинг ўзим жорий йилнинг феврал ойида ўтказилган мамлакат алоқа соҳаси корхоналари фахрийларни иштироқидаги минифутбол мусобақасида энг яхши дарвазабон деб топилиб, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг фахрийларидан билан тақдирландим.

Маълумки, бу йил мустақиллик кунининг 20 йилигини нишонлаймиз. Кутлуғ тўй сабаб бошланган “20 йилликка 20 туп кўчат – менинг тұхфам” ҳаракатида сидқидилдан қатнашдик. Улуғ айём – Наврӯзи олам байрамигача 220 туп мевали ва манзарали даражат кўчатларини ўтказдик. Истиклол байрамини қасбий меҳнатимизда ҳам катта муваффақиятларда ёришган ҳолда кутуб оламиз.

**Зайджон АХМЕДОВ,  
Сурхондарё вилояти электромагнит мослашуви хизмати бошлиги**

## Компьютер ишга йўлланма беради

Марғилон шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташабbusи билан эндиликда компьютерлар ёрдамида иш ахтарувчилар талаб ва истакларини қондириш, замонавий усолду фуқароларга хизмат кўрсатиш имкони яратилди. Бу ерда иш изловчи фуқаролар учун маҳсус дастур ўрнатилди. Унга мурожаат қилинган фуқаро ўзи ҳақидаги керакли маълумотларни киритганидан сўнг танлаган ишга йўлланма берилади. Йўлланма берилган фуқаро ишга жойлашганилиги тўғрисидаги маълумот киритилгач, дастур автоматик равишда бўш иш ўринлари ҳисобидан ушбу иш жойини чиқариб юборади.

Ушбу меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими орқали фуқаролар нафақат ишга жойлашишлари, балки интернет тармоғига уланиб, маҳсус веб-сайт орқали ҳам иш излаш имкониятига эга. Бу тажриба вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда унинг шаҳар ва туман бўйламида татбиқ этилмоқда.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

# Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар

Тошкент шаҳридаги “Ўззэкспомарказ” миллий кўргазма мажмусидаги  
Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси ўтказилди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мутахассислар эътиборини жалб қилган лойиҳалардан бирни сифатида “UNICON.UZ” ДУК томонидан ишлаб чиқарилган “Кейинги авлод (NGN) алоқа тармоғидан фойдаланадиган алоқа корхоналарининг тақсимловчи кабел линияларининг ҳолатини назорат қилиш тизими”ни кўрсантиш мумкин.

Бутунги кунда ахборот-коммуникация тизимларини ривожлантиришнинг самарали усулларидан бирни “пакетларни коммутациялаш” технологиясига ўтишини кўзда тутивчи NGN – кейинги авлод алоқа тармоғи концепцияси ҳисобланади. Бундай ечим кейинги авлод алоқа тармоғида ахборотнинг учта – нутқ, маълумотлар ва видео турлари учун коммутациялаш функцияларининг таъминлаши кераклигига асосланган. Ушбу технологияни жорий этиш АТС линия-кабел хўжалигини улаш топологиясини сезиларни даражада ўзgartiradi. АТСдан чикувчи барча магистрал (мис) кабеллар гурухланади ва оптик толали тармоқка алмаштирилади. Натижада АТС кросслари деярли бўлмайди. MSAN ўрнатилган жойдан тақсимловчи кабеллар чиқади. Бундай ҳолатда тақсимловчи кабелларнинг бутунлигини назорат қилишинг эски усуллари иш бермай қолади. Мижозларга кўрсатиладиган хизматлар миқдори ва сифатининг ошишига ўз таъсирини кўрсатувчи тақсимлаш тармоғи бутлигини таъминлаш, узилишларни ўз вактида аниқлаш ва тиклаш масаласи эса янада долзарб бўлади. Шу сабабли иккита физик боғланмаган курилмаларни ўз ичига олган тақсимловчи кабеллар бутлигини назорат қилишининг янги тизими ишлаб чиқиди. Мазкур тизим иккита курилмадан иборат. Биринчиси – бу модем ва мос равишда дастурий таъминот ўрнатилган оператор (диспетчер)нинг шахсий компютери ҳисобланади. Иккинчиси – кабеллар бутлигини назорат қилиш учун зарур бўлган эски намунадаги подстанцияларга ўрнатилган “лингвий назорат қилиш автомати” (ЛНА) блокларининг тўплами ҳамда янги шаклдаги зарур шкафларда ўрнатилган ЛНА блокларининг тўплами ҳисобланади. ЛНА корхона эҳтиёжлари тўлиқ қаноатлантирилгунча ўрналиши мумкин. Блокларнинг жойлашиши диспетчер компютерининг жойлашган жойига боғлиқ эмас.

“UNICON.UZ” мутахассислари юқорида таърифи келтирилган инновацион ишланмадан ташқари, “Электрон майдонларни ўлчаш учун шахсий компьютер асосидаги асбоб”, “Шахсий компьютер асосидаги осциллограф”, “Шахсий компьютер асосидаги спектрал анализатор” ва бошқа шу каби лойиҳаларга доир маълумотлар билан ярмарка иштирокчиларини батафсил таништириши.

Ярмаркада UZINFOCOM маркази томонидан ҳам бир қатор қизиқарли лойиҳалар намоиш этилди. Жумладан, “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасинын Ҳукумат порталафида фуқароларнинг мурожаатлари

учун шахсий кабинет яратиш”, “Домен номлари администраторлари (эгалари) учун шахсий кабинет”, “Худудий ахборот тизимлари”, “Desk.uz – ахборотни бошқариш хизмати”, “Болалар ўкув давомати тўғрисида отоналарни хабардор қилиш тизими”, “ZiyoNet” тармоғи ресурс марказининг белуп электрон почта хизмати” каби миллий интернет тармоғи ривожига хизмат қиласидан лойиҳаларни санааб ўтиш мумкин.

UZINFOCOM маркази мутахассисларининг билдиришича, интернет тармоғида Узбекистон Республикасинын Ҳукумат порталафида фуқароларнинг му-

ројаатлари учун шахсий кабинет яратиш лойиҳаси фуқароларнинг давлат органларига му-ројаат этишида уларнинг Конституциявий ҳукуқ ва кафолатларини таъминлашада куляйликлар яратади. Лойиҳани амалга оширишда фуқароларнинг Ҳукумат порталафи орқали давлат органларига му-ројаат этишиларида “Ягона ойна” тармоғидан фойдаланилади. Бунда Ҳукумат порталафи ўзида ягона интернет-қабулхонанинг акс этириб, фуқаролар ягона нуқта орқали давлат органларига электрон равишда му-ројаатларни тақдим этишилар мумкин. Бу аҳолига вақтни, йўл сарф-харажатларини тежаш, давлат органлари билан самарали алоқа ўрнатиш имконини беради.

Ҳукумат порталафи орқали давлат органларига қилинган мурожаат расмий хужжат мақомини олади ва ба-хужжат ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиши таъминланади. Лойиҳанинг янга бир муҳим жиҳати шундаки, у

**Ярмарка  
кўрсатдикни, алоқа ва  
ахборотлаштириш соҳа-  
сида ҳар йили янгида-  
янги инновацион ғоялар,  
технологиялар ва лойиҳалар  
ишлишмоқда. Бу лойиҳа-  
лар соҳа ривожига му-  
носиб туртки бера-  
ди, албатта.**

орқали му-ројаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқилиши жараёнини ку-затиб борини мумкин бўлади. Яна бир лойиҳа: “ZiyoNet” тармоғи ресурс марказининг белуп электрон по-

чта хизмати лойиҳасининг асосий мақсади эса – ягона ахборот маконини яратишга кўмаклашишдан иборатdir. Ушбу тизим корхоналар ўртасида ахборот алмашинувини анча соддлаштиради. Лойиҳа ишининг биринчи ийлида тизимдан фойдаланувчилар сони 100 минната, 2-3 йилда эса миллион нафарга ошиши кутиломоқда.

“Ўзбектелеком” АК стендидаги ҳам бир қатор лойиҳалар эътиборимизни жалб этди. Компаниянинг “ТШТТ” филиали томонидан жорий қилинган Ҳукумат порталафида фуқароларнинг таркиби бўлгандарни оператив ва сифатли равишда бошқаришни ташкил қилишга кўмаклашади. Мазкур ишланма “Ўзбектелеком” АК тизимида жорий қилин-

ган ТШТТ” филиали етакчи мутахассиси Александр Мироновнинг таъкидига, Видеоконференцалоқа маркази лойиҳасидан турли тармоқлардаги корхоналардан тортиб, вазирлик дара-жасигача фойдаланиш мумкин экан.

“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК ўзининг “Саккиз элементли антенна” лойиҳасини кент жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда рақамли телекўрсатувлар тармоғи тажрибадан ўтмоқда. Рақамли телевизион сигнални қабул қилиш учун маҳсус телевизион сигнал қабул қўливи-чи антендан фойдаланиши таълад этилади. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, марказ мутахассислари рақамли сигнал қабул қиласидан арzon нархли логопе-рили антenna тайёрлаши.

ОАТ “Алоқабанк” ўзининг жисмоний шахсларга мўлжалланган “Интернет-банкинг” дастурий комплекси на-мойиши билан иштирок этди. Мазкур лойиҳа мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиши имконини беради. Шунингдек, “Алоқабанк” Кичик бизнес саҳасида хусусий тадбиркорлик йили му-носабати билан апрел ойидан бошлаб иккита тандов зълон қўлтанини ҳам маълум қилди. Биринчиси – кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар ўртасида “Энг яхши инновацион лойиҳа”, иккинчиси – олий ўкув юртлари таълаблари ва коллеж ўкувчилари ўртасида “Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси” тандовлариди.

Эътиборлиси, “Алоқабанк” зълон қилган тандов таълабларига жавоб берадиган лойиҳалар ярмарканинг ўзида ҳам намоиш қилинди. Тошкент ахборот технологияларни университети лойиҳалари орасида айнан таълаблар томонидан тай-ёрланган ишланмаларни ҳам уратиш мумкин. ТАТУ Фарғона филиалининг 2-босқич таълабаси Ойбек Дехқонов томонидан намоиш этилган қурилма оптик толали алоқа линияларига ахборот хаф-сизлигини таъминлашади.

Ярмарка кўрсатдикни, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳар йили янгида-янги инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ишилшмоқда. Бу лойиҳалар соҳа ривожига муносиб туртки беради, албатта.





## ГУМОНДОРЛАР ФОТОРОБОТИ ЯРАТИЛДИ

Минск мetrosидаги юртчиларни иши бўйича текширувлар доирасида бир неча одам кўлга олингандиги ҳақида Беларус бosh прокурори Андрей Швед маълум қилган. Аммо у “Октябрьская” станциясидаги портловчи курилмани ишга туширганидаги кўлга олингандиги гумондорларни амалга оширганидаги тахмин қилинган икки кишининг фотороботини тузиб чиқишган эди.

Бош прокурорнинг сўзларига кўра, қонун химоячилари бир неча шахс бўйича маълумотларни синчилаб ўрганиб чиқсан. Шунингдек, у гумондорларнинг фотороботлари яқин кунлар ичда жамоатчиликка тақдим этилишини билдирган.

Эслатиб ўтамиз, Минск metrosининг “Октябрьская” станциясида 11 апрел куни кечқурун портлаш содир бўлган. Оқибатда 12 киши курбон бўлган, жароҳатланган 150дан ортик киши касалхоналарга ётқизилган.

## КАЛБАКИ ДОРИФУРУШ КАМОКДА

Буюк Британияда қалбаки дори воситалари савдоши билан шугулланган фуқаро саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. Жиноятчи қонунга зид ҳолда дорихоналарни юрак касаллиги, саратон ва руҳий хасталикларга қарши қалбаки дорилар билан таъминлаб келган.

Хукуқни муҳофаза қилиш органи вакилларинг сўзларига кўра, инсон организмига салбий таъсир қуловчи умумий миқдори 4,7 миллион фунт-стерлингни ташкил этувчи дорилар саводдан олиб қўйилган.

## ТАЛАФОТ ОҚИБАТИ ОРТМОКДА

Япония миллий полиция бошқармаси кучли зилзила ва цунами оқибатида курбон бўлган ва бедарка йўқолганлар сони 28400 нафарга етганлигини маълум қилган. Рўйхатта кўра, ҳалок бўлганларнинг расмий сони 13300 кишини, бедарак кетганлар эса 15200 кишини ташкил этади. Хукumatning тахмини бўйича давомий фалокат 25 трилион иен (308 миллиард доллар)лик зарар келтирган.

## АКШДА ЎРМОН ЁНГИНИ

АҚШнинг Техас штатида юзага келган ўрмон ёнгинлари оқибатида саксонга яқин туаржой биноси кўлга айланган.

«The Dallas Morning News» нашрида ёзилишича, баландлиги 5-6 мердан иборат кучли аланга Жеф Девис ва Милленди округларидаги 404 квадрат километр худудни қамраб олган. Кучли шамол ва иссиқ ҳаво табиий оғатнинг янада кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ёнгинни бартараф этиш учун Техастага кўплаб ўти ўчириш гуруҳлари юборилган. Аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилмоқда.


## ЯПОНИЯДАН КАЙТГАНЛАР ТЕКШИРИЛМОҚДА

RATA-TASS агентлигининг хабар беришича, Япониядан сафардан қайтган ўндан зиёд россиялик журналист организмидаги радиоактив изотоплар миқдори кўплиги аниқланган. Текширувларга кўра, улардаги йод ва цезий миқдори сизларли даражада ортган.

Аэропортлarda кучли назорат ўрнатилган. Япониядан қайтаётган йўловчилар шифокорлар текширувидан ўтказилмоқда.

*Интернет материаллари асосида  
У. Йўлдошев тайёрлади*

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури” доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, Давлат божхона қўмитаси фаолиятини www.customs.uz веб-сайтида ёритиш жараёнда маълумотларнинг тезкорлиги, сифати ва даврилигини таъминлаш, интернет фойдаланувчилар учун сайтда кулай шароитлар яратиш, божхона соҳасига



## Янги имкониятлар...

доир ахборотларни тақдим этишида самарали усулларни жорий этиш мақсадида “UZINFOCOM” маркази билан ҳамкорликда ДБҚ веб-сайтининг такомиллаштирилган янги версияси ишлаб чиқди. 2011 йил 1 апрелдан бошлаб янги сайт халқаро тармоқда расман ўз фаолиятини бошлади.

Таъкидлаш жоизки, янги сайт веб-технологияларнинг энг сўнгги янгиликларини ўзида мужассам этган. Маълумки, сайтларга кўп сонли графика элементларининг жойлаштирилиши саҳифаларнинг сескин очилишига сабаб бўлади. Шу сабабли, янги дизайнда имкон қадар график элементлардан камроқ фойдаланилган. Шунингдек, фрейм структураси, динамик HTML va JAVA каби имкониятлардан воз кечилиши натижасида веб-саҳифа навигацияси бир мунча содлашган. Натижада веб-саҳифа барча браузерлар имкониятига мос келишига эришилган.

Бош саҳифа ўнг, марказий ва чап қисмларга ажратилган бўлиб, унда эътиборни чалгитувчи анимация баннерлари мавжуд эмас. Веб-саҳифага жойлаштирилувчи маълумотлар бта ийрик туркмаларга бўлинган бўлиб, улар жами 40дан ортик руқнларни ўз ичига олади. Бунда ахборотларнинг тури ва ўйналиши алоҳида инобатга олинган. Аксарият веб-сайтлар-

дан фарқли равишда сайт саҳифалари ва бўлимлари асосий менюси бош саҳифанинг марказий қисмини эгаллаган. Чап тарафдан қўйига қараб эса дастлаб республикамиз ҳастига оид турли манбалардан олинган янгиликлар, ундан сўнг божхона янгиликлари жойлаштирилади. Бош саҳифанинг ўнг қисмida эса фойдаланишига сабаб бўлади.

Янги дизайнда афзалликлардан бири шуки, саҳифаларнинг ишлаши механизмини соддалаштириши, маълумотларни даврий кетма-кетгиклarda жойлаштириш ҳамда саҳифаларда ички руқнларни ташкил этиш имконияти мавжуд. Сайтнинг қидирив тизими ҳам тақомиллаштирилган, шу билан биргаликда, RSS янгиликлар тасмаси хизмати ҳам мавжуд. Дизайнда божхона хизматнинг рамзий яшил ранги устунлик қиласи.

Шунингдек, ташки иқтисодий фаолият иштирокчилари, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга кулайли яратиш мақсадида сайгина улар учун фойдаланувчиларни мавжуд мажбурий жаҳонга ошириш бўйича ахборотлар, имтиёзларни ўз ичига олади. Бунда ахборотларнинг тури ва ўйналиши алоҳида инобатга олинган. Аксарият веб-сайтлар-

тўғрисидаги маълумотлар ҳамда мажбурий тартибида сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхати каби ахборотресурслари жойлаштирилган ҳамда мунтазам равишида янгилашиборилмоқда.

Шунингдек, Давлат божхона қўмитасининг тезкор маълумотлар базаси (товарларнинг ТИФ ТН бўйича гурухи), шунингдек, муқобил манбалар (каталоглар, ишлаб чиқарувчи завод прайс-листлари, ички бозорда шаклланган нарх маълумотлари) асосида тузиладиган Нарх маълумотлари бюллетенинг электрон версияси сайтнинг маҳсус “Нарх маълумотлари бюллетени” саҳифасига жойлаштириб бориш ўтади.

Сайтдаги яна бир кулийлик шундаки, “Савол йўллаш” саҳифаси орқали фойдаланувчилар ўзларини қизиқтирган божхона соҳасига доир саволларга малақали мутахассислардан жавоб олиш имконига эгаидилар.

Хуласа, янги сайт ишга тушди. Унга бериладиган реал баҳони эса холис ҳакамлар — фойдаланувчилар ва вақт ҳуқумига қаволи қиласи. Ҳозирча, ҳалқимизнинг доно нақлини эслатиши билан кифояланамиз; минг эшитгандан бир кўрган яхши.

**Хусен ТАНГРИЕВ,  
Давлат божхона қўмитаси  
матбуот хизмати инспектори**

**QILMISH-QIDIRMISH**

## Конунбузар қўлга тушди

Ботир (исм-шарифлар ўзgartirilgan) бир йил олдин порнографик мазмундаги контрафакт дисклар билан қўлга тушиб, маъмурӣ жавобгарликка тортилган бўлса-да, ўзига тўғри хуласа чиқармади. Жаримани тўлаб, тўёки ҳеч нима бўлмагандек, яна эски ишига қайтиди...

Авланита ючиб юриб кунини ўтказди. Кейин

Сирғали туманинаги “Ярмарка” бозорида раста килиб, ноқонуний тарзда турли кўринишларни DVD форматидаги дискларни сота бошлади. Талабга қараб иш тутган дискфурӯш мижозларнинг буюртмасига қараб, исталган мавзудаги дискларни топиб келарди. Шу тариқа тез орада ўз мижозларига эга катта диск сотувчилардан бирига айланди. Лекин у қилаётган ишини қонунийлаштириш ўнгига, кундан-кунга жиноятни оғирлаштирувчи ишларга кўл ура бошлади. Гарчи илгари ҳам дакки еган бўлса-да, Ботир яқиндан бўйни фильмлар ва концертлардан ташкири, порнографик мазмундаги фильмларни раста тагига яшириб, фақаттинга буюртамага кўра ёки ахён-аҳёнда келиб қоладиган мижозларга сотишни бошлади.

Департаментнинг Тошкент шаҳар, Сирғали

туман бўлими ходимлари томонидан айнан қонунга хилоф дисклар савдоши билан шугулланётган шахсларни фош қилиш бўйича ўтказилган рейд тадбири Ботир Сотимовнинг қингир ишини фош этди. У савдо қилаётган жойда 356 дона турли форматдаги дисклар, шу жумладан, 13 дона порнографик мазмундаги дисклар мавжудлиги аниқланди. Мазур дисклар воқеа жойда далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси муаллифлик хукуқини қилиш агентлигининг хуласасида Б. Сотимовдан олинган умумий баҳоси 5.348.000 сўмлик дисклар контрафакт ҳисобланниб, муаллифлик хукуқларини кўпол тарзда бузгандиги маълум қилинган.

Б. Сотимов иккинчи маротаба бир жиноят билан қўлга тушди. Унинг суд мажлисидаги афсус-надоматлари ҳақиқий бўлишидан умидвормиз.

**Аҳмаджон ФАФУРОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛКК департаменти  
Тошкент шаҳар Сирғали туман  
бўлими бошлиги**

## Илмнинг қадри

— Ижодкорларга қадими анъаналаримиз, ўзга мамлакатлар аҳолиси ҳавас билан қарайдиган шарқона одоб-ахлоқимиз, маданият ва маънавиятимизнинг авлоддан авлод тўлиқ ўтишишга улкан ҳисса кўшувчи инсонлар, дея баҳо бериш мумкин, — деди “Ўзбектелеком” АК “Шахарлараро алоқа корхонаси” филиали директори Голишибер Зияев республика мустақилигининг 20 йиллигига бағишилари ўтказилган навбатдаги тадбирда. — Бугун биз корхонамига ана шундай элга танини ижодкорлардан бирни Тоҳир Маликни таклиф этганимиз.

Тошкент Давлат универсitetining журналистика факултетини туттаганидан сўнг у “Гулистон”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журнallarida адабий ходим, масъул котиб, бош муҳаррир лавозимларида ишлади. Мензиф фаoliyati билан бирга, ижодга ҳам катта аҳамият берди. Унинг қаламига ман-

суб “Ҳикмат афандининг ўлими”, “Заҳарли губор”, “Сомон йўли элчилари”, “Сўнти ўқ”, “Чорраҳада қолган одам”, “Шайтанат” каби асралар аллақачон одамлар қалбидан чукур жой олган. Бугунги кунда “Одамилийли мулки”, “Тош қалбларга асло на зар солинмас”, “Келинлар дафтари” каби маърифий асраларини ҳам китобхонлар севиб мутола қилишмоқда. Марҳамат, севимли адабимиз бугун сизлар билан.

Тоҳир Малик республикамиз мустақил бўлганидан бери ўтган 20 йил ичидаги амалга оширилган ишлар, одамлар маънавиятини юксалтириш борасида олиб бораётган тадбирлар ҳақида гапириди.

— Дунёга келган гўдак дарҳол юриб кета билмагани ёки экилган дараҳт кўчати тезгина ҳосил бермаганидек, юртимиз ривожланшининг ойдин йўлига тушиб олиши ҳам осон кечмади, — деди адаби. — Ўтган 20 йил мо-

байнida не-не қийинчиликларни бошдан кечирдик ва минг шукурки, мамлакатимизни бугун дунё тан олмоқда. Юртбошимиз бошчилигига амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўпларнинг ҳавасини келтирияпти. Лекин ҳали эътибор бериши миз лозим бўлган томонлар кўп. Айниқса, болалар тарбиясида, уларни баркамол, билимни ва илмга чанқоқ килиб вояжга етказиша ҳали кўп ишлар қилишимиз зарур. Зеро, илмизиз фарзанд мевасиз дараҳт кабидир. Илмнинг қадри шунчаликки, усиз рижвожланиши бўлмайди.

Тадбир давомида Тоҳир Малик “Шайтанат”нинг бешинчи китоби босмадан чиққанлиги, келгуси режалари ҳақида гапириди. Алоқачиларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Йигилганлар, шунингдек, шоир Турсун Али ижодидан ҳам намуналар тинглашди.

## Шодиёна этмокда давом

Ўзининг бор ҳисну тароватини кўз-кўз қилиб, қишилар қалбига олам-олам завқ, кўтарикингайт баҳшида этиб, ўлкамизда баҳор меҳмон бўлиб турибди. Корхона ва ташкиллар, муассасалар меҳнат жамоалари Наврӯзи оламни кипта шодиёна билан байрам қилишмоқда. Шу муносабат билан турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилиши.

Республикамиздаги етакчи алоқа корхоналаридан бирни — “UNICON.UZ”да ҳам Наврӯз байрами ана шундай ажойиб тантана, қатор қизиқаралди танловларнинг яқунланиши билан нишонланди.

Жумладан, “Энг ҳушмуомала ходим”, “Энг киришимли ходим”, “Энг чиройли ходим” танловларидан яқун ясалди.

Корхонамиз ходимлари ўргасида уч кун давомида юкоридаги номларга сазовор ходимларни аниқлаш бўйича сўровномалар ўтказдик, — деди “UNICON.UZ” ДУК касаба уюшмаси кўмитаси раиси Елена Синяшина. — Олдиндан тузилган маҳсус комиссия аъзолари эса голиблар кимлигини аниқлашилар. Ҳар бир танлов бўйича учтадан ўрин ажратиди. Шунингдек, тадбир давомида корхонамизнинг “Энг кучи”-си ҳамда тадбирга ташриф буюрган меҳмонларнинг “Энг топқири” аниқланди.



Голибларни эсадлик совғалари билан тақдирладик.

Шундай қилиб, Ж.Шарафутдинов, А.Файзуллаев, С.Пўлатовлар ҳамда аёллардан М.Тожибоева, К.Абдулазизова, С.Шариповлар корхонанинг энг чиройли, О.Нуритдинов, Т.Рахимов, Р.Турсунбоеv, аёллардан С.Мухаммаджонова, Р.Хўжаева, Д.Абдалимовлар энг киришимли, А.Дурел, М.Файзуллаев, С.Кутбидиновлар ва аёллар ўтаси О.Аҳмедова, Л.Давидова, Н.Тошиевалар энг ҳушмуомала ходимлари си-

фатида тан олиндилар.

Шунингдек, корхона ходими У.Азимов энг кучли ва меҳмонлардан “UNICON.UZ”нинг собиқ ходими Т.Машантинилар энг топқири меҳмон бўлиб қишиши.

Кўклам таомлари билан безатилган дастурхон атрофида ходимлар йираб дам олдилар, хушхўр паловдан тамадди қилиб, хушгачақлик қилилар.

Шунақа, алоқачилар дам олишини ҳам билишиади.

**Муборак МИРКАМОЛОВА**

## Ҳамкорлик самаралари

Самарқанд ахборот технологиялари касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариши амалиётини самарали ўташ, ўқитишининг самарадорлигини ошириш бўйича Самарқанд вилоят ўқомилиги ва вилоят корхоналари раҳбарлари, мутахassisлари билан очик мулокот ўтказиди.

Коллеж директори Акром Низомовнинг маълум қилишича, айни дамда коллежда ахборот-коммуникация тизимлари, кўриқлаш-ёнгин алоқа ва сигнализация тизимларини ишлатиш техники, поча алоқаси хизматларини ташкил қилиш, телекоммуникация ва алоқа тизимларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва ишлатиш, коммутация тизимларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, хужжатшунослик ва архивишунослик каби 8ta мутахassislik бўйича ўқувчилар таълим олишмоқда.

«Корхона-коллеж» ҳамкорлик алоқаларини ўйлга қўйиш бўйича «Самарқанд Телеком», «Ўз-

Самарқанд» филиаллари, вилоят ИИБ Ёнгин хавфислиги бошқармаси, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд филиали, вилоят ахборот-кутубхона маркази, архив иши бошқармаси, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошқармаси ва бошқа корхоналар билан шартномалар имзоланиб, уларнинг кўпчилигига амалиёт хоналари ташкил этилган.

Дарҳакиқат, таълим самарадорлигини ошириш мақсадиди Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали, Самарқанд Давлат университети билан ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, коллек ўқитувчиларининг педагогик маҳоратларини ошириш ва ўқувчиларнинг ўз мутахassisларини бўйича билимларини янада чукурлаштириши мақсадиди универсitetlарнинг профессор-ўқитувчилари дарс жараёнларига жалб қилинган. Шартномалар асосида коллек ўқитувчи ва талабалар жамоаси универсitetlарнинг маҳсус фан хо-

налари ва ахборот-ресурс марказларидан самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Махаллий бюджет ҳисобидан 13та, Бирлашган Араб Амириллари ташкиларни вазирлигининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколаткориши томонидан 15та компьютер ҳомийлик тарикасида берилди. Германиянинг техникавий ҳамкорлик лойиҳаси асосида бешта ўқув-амалиёт хонаси ташкил этилган. Ушбу хоналар бешта ноутбук, 75ta Pentium-IV компютерлари билан жиҳозланган.

Ҳамкор корхоналар раҳбарлари ўзларининг чиқишиларидан коллек талабалари амалиёт ўташлари ва битирувчиларни ишга қабул учун етарли даржада шароитлар яратиш ва уларнинг келажақда етук мутахassisлар бўлиб етишишлари йўлида ўзларининг имконият ва меҳнатларини аямасликлари тўғрисида баён қилилар.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
“Хабар”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

## МУШТАРИЙЛАР МАМНУН

Наврӯз кунлари замонавий ва янги матбуот дўқонига эга бўлдик. Бунинг учун тармокнинг республика ҳамда вилоятдаги раҳбарларидан курсандиз. Шеробод автошоҳбекати худудига ўрнатилган мўъжазгина ишонам ёруғ ва шинам.

Йўлга кўйилган бу янгиликдан ҳар қуни газета ва журнал харид қилаётган муштарийлар ҳам мамнун. Улар хизматхонангиз энди чор-атрофлаги ўзгаришларга мос тушибди, дейишмоқда. Дарҳакиқат, замонавийлашиш сари бошланган ҳаракат Шерободда ҳам ўзининг ижобий сарасини беряпти.

Илгари даврий нашрларнинг ихлосмандлари таъмирлаб бўлиб қолган матбуот дўқони дарчаси ёнида баъзан тўпланиб қолишиарди. Бугун эса бир йўла 3-4 нафар киши билан бемалол мuloқot олиб бораёт имконияти яратилган. Кейинги пайтда фуқароларнинг сиёсий ва ҳукуқий онги ошганлиги сезилмоқда. Улар Олий Мажлис палаталарининг кўшма ва ялпи мажлислари ҳисоби ҳамда унда маъкулланган ва қабул қилинган қонуналар ёритилган “Халқ сўзи” газетасини сотиб олишларини билдиришишмоқда. Талабга имкон қадар амалий жавоб бериши уриняпмиз. Ўз навбатида, “Хордик”, “Бекажон”, “Даракчи” каби бозори чакқон газеталарнинг янги нашрларини ўз вақтида етказиб турибмиз.

Келгусида хизмат турларини кўпайтириш чора-тадбирларини кўрамиз. Бунда мухлисларнинг тараба ва эҳтиёжларини алоҳида иnobатта оламиз.

**Зикирхон ФИЁСОВ,**  
“Матбуот тарқатувчи” АК  
Сурхондарё вилояти  
шўбба корхонаси ходими

# Подготовка

## к Всемирной конференции радиосвязи 2012 года

11 апреля в Ташкенте начала свою работу Рабочая группа Регионального содружества в области связи (РСС) по подготовке к Ассамблее радиосвязи и Всемирной конференции радиосвязи 2012 года (РГ АР-12/ВКР-12).

В работе заседания принимают участие специалисты администраций связи Республики Армения, Азербайджанской Республики, Республики Беларусь, Республики Казахстан, Кыргызской Республики, Республики Молдова, Российской Федерации, Республики Таджикистан, Республики Узбекистан и Украины, а также

представители Международного союза электросвязи.

Согласно плану подготовки РСС к Ассамблее радиосвязи и Всемирной конференции радиосвязи 2012 года, это заседание является седьмым и предусматривает формирование основного текста предварительной позиции и общих предложений стран участников

РСС по пунктам повестки дня конференции.

Повестка дня заседания включает в себя рассмотрение вопросов о состоянии подготовки АС РСС к Ассамблее радиосвязи и Всемирной конференции радиосвязи 2012 года, включая обзор Отчета шестого заседания РГ АР-12/ВКР-12, информацию о совместном заседании Комиссий РСС по электромагнитной совместимости радиоэлектронных средств и по радиовещанию, о результатах Подготовительного собра-

ния Международного союза электросвязи к ВКР-12, состоявшегося в феврале текущего года, о научно-исследовательской работе РСС по подготовке к АР-12 и ВКР-12, рассмотрение рабочих материалов по пунктам повестки дня ВКР-12, рассмотрение проектов вкладов на Ассамблею радиосвязи 2012 года и другие вопросы.

Рабочая группа РГ АР-12/ВКР-12 продолжит свою работу до 15 апреля 2011 года.

aci.uz

# CMS – выгоды и

## преимущества

В настоящее время большинство организаций имеет в том или ином виде собственный веб-сайт. Гораздо меньшее число компаний имеет внутреннюю интранет систему. Часто возникает вопрос: почему не создать еще один сайт для внутреннего использования и хранить необходимые документы там? В чем заключаются преимущества использования CMS (Content Management System)? Такие вопросы чаще всего возникают из-за того, что сложности администрирования и управления ИТ инфраструктуры вообще и управления сайтом компании обычно скрыты от пользователей.


Большинство современных сайтов компаний созданы на основе статических страниц. В результате размещение информации на таких сайтах скрыто от обычных пользователей. Вместе с тем, эта операция требует знания основ программирования и языка HTML. При этом вероятность ошибок, особенно для обычных пользователей весьма высока.

В наше время используется большое количество систем управления сайтом, иначе они называются "движком" сайта. В данной статье я бы хотела представить Вам одну из самых распространенных и удобных систем - CMS.

CMS - это аббревиатура от Content Management System, что в дословном переводе означает "система управления контентом сайта" или просто "система управления сайтом". Иногда CMS называют "движок" сайта.

Есть два основных вида CMS:

1. CMS работающие и располагающиеся в интернете;
2. CMS установленные на компьютере и соединенные с сайтом автономно.



матически или через интерфейс обновления файлов.

Цели и задачи CMS - управление, наполнение и редактирование информации и графики клиентом. Проще говоря, это система предоставляющая Вам возможности изменять и дополнять разделы, редактировать содержимое сайта, менять графику и дизайн сайта. Без CMS такие задачи управлением сайта не могли бы решаться без вмешательства дорогостоящих программистов.

После интеграции CMS с сайтом, сотрудники вашей компании смогут управлять содержанием и структурой сайта, публиковать новости, редактировать тексты и размещать графику, изменять и добавлять продукцию в каталоге, создавать новые страницы, разделы и многое другое.

Преимущество динамических сайтов, построенных на основе CMS, заключается в отделении дизайна от информационного наполнения, что позволяет автоматизировать документооборот, бизнес процессы, механизмы персонализации. Более того, CMS позволяет управлять содержимым сайта настолько легко, просто и быстро, что коммерческая выгода от использования CMS становится значительной.

Несомненным плюсом системы управления контентом CMS является снижение стоимости администрирования и поддержки сайта. Это происходит за счет снижения потерь на зарплату web-мастеру, а также времени на поиски документов, пресечения дублирования и ошибок, увеличения скорости связи с партнерами и клиентами... Вам не потребуется нанимать специалиста для поддерж-

ки и развития проекта.

Часто страницы сайта, базирующегося на CMS, не хранятся целиком, а формируются "на лету" при обращении к ним, это позволяет повысить скорость загрузки страниц, так как шаблон страницы (дизайнерское оформление) загружается единожды и дальнейшим при запросе каждой новой страницы открывается уже с компьютера пользователя.

В системе управления сайтом часто реализуется механизм кэширования, который позволяет снизить нагрузку на оборудование и способствует увеличению скорости работы и пропускной способности сайта за счет сохранения результатов запросов к базе данных и статических материалов.

Существуют и бесплатные CMS, которые предоставляют достаточно большие возможности для управления содержимым сайта. Бесплатные CMS имеют большое количество пользователей, которые помогают решать проблемы с управлением сайтом с использованием бесплатной системы управления контентом. К бесплатным CMS существует большое количество расширений и дополнений, которые позволяют сделать процесс управления сайта более удобным и функциональным. Однако минусом бесплатных CMS является отсутствие официальной технической поддержки и низкая скорость исправления критических ошибок в системе управления содержимым сайта.

Наиболее известными примерами системами управления сайтом являются OpenCMS, PhpNuke, PostNuke, Portal Starter Kit и т.д.

Таким образом, системы управления контентом решают две основные задачи. С точки зрения пользователей - это инструмент, который позволяет публиковать новости, размещать новые страницы на сайте и производить другие операции над содержимым через удобный интерфейс. При этом пользователь может не владеть технологиями интернет - разработки, но он обязательно должен понимать, как устроен сайт.

Сунбула АХМЕДОВА,  
студентка ТУИТ

### Microsoft показал Internet Explorer 10

Вскоре после выпуска своего нового браузера Internet Explorer 9 корпорация Microsoft представила превью следующего, десятого, поколения этой программы.



Как отметил руководитель подразделения браузеров Microsoft Дин Хачамович, инженеры компании начали работу над новым браузером спустя всего неделю после запуска IE 9, представленная версия IE 10 запускается только под Windows 7 и работает очень быстро.

### IAB: за 2010 рынок Интернет-рекламы вырос на 15%

Американское бюро Интернет-рекламы (Internet Advertising Bureau, IAB) выпустило статистические данные за 2010-й год. За прошлый год в США онлайн реклама выросла на 15% и достигла \$26 млрд. После небольшого упадка (на 3%) в 2009, рост продолжился в 2010 и достиг рекордных темпов. Доходы индустрии только в четвертом квартале достигли \$7,45 млрд.

### Для развития 4G-сетей в России создана «большая четверка»

Государственный телекоммуникационная компания «Ростелеком» и сотовые операторы МТС, «ВымпелКом» и «МегаФон» создали консорциум по внедрению в России сетей нового поколения 4G.

Задача консорциума заключается в том, чтобы до 1 июля 2011 года подготовить предложения об использовании частот, подходящих для строительства LTE-сетей и предложить условия конкурсов на эти частоты. Конкурсы могут быть объявлены уже до конца 2011 года.

# Kabbar +tv



ОТАБОЗДОМ

- 5.55 Кўрсатуалар дастури.  
6.00 Ассалом, Узбекистон!"  
7.00 Ишҳиз, эртаги", Т/с.  
14.45 Кўнингизни дастури.  
15.00 "Газиённома".  
15.45 "Сломентик сирлари".  
16.05 "Волангардор".  
16.45 "Радио ташриф".  
17.00 "Ахборор".  
17.15 "Олид суд".  
17.55 "Иқим".  
18.00 "Кўнинг кўшик истилди".  
"Бозлар сабераси".  
18.05 "Эртасар - яхшилика етасири".  
18.25 "Синтия кроаличча", Т/с.  
19.00 "Истижоа фарзандлари".  
19.25, 20.00, 20.55 Эълончар.  
19.30 "Ахборор", рус.  
20.10 Мисидий сериал: "Кадирлочлар яна қўйтила".  
20.40 "Олини мерос".  
21.00 "Ахборор".  
21.40 "Инновациялар ишлаб чиқариди".  
22.05 "Менинг малики", Т/с.  
22.50 "Иқим".  
22.55 "Комисар Реко", Т/с.  
23.45 "Любов", Т/с.  
24.45 Кўнингизни дастури.  
25.00 "Шарф солимаси".  
00.10 "Олид суд".  
00.55 Кўнинг кўшик истилди".  
1.00 "Ахборор", рус.  
1.35 - 2.35 "Мынавиц" дастури.  
2.35 "Иқим".  
2.40 "Радио ташриф".  
2.55 "Олини мерос".  
3.10 "Ассалом, Узбекистон!"  
4.00 "Ахборор".  
4.35 Мисидий сериал: "Кадирлочлар яна қўйтила".  
5.05 "Иқим".  
5.10 "Мен ёшижсан".  
5.25 "Узбекистон табигити".  
5.45 - 5.55 "Онгур".



- 5.55 "Дастурнинг очишиши".  
6.00 "Гаранин".  
6.50 "Мультиканонрама".  
7.40 "Ешик нақорли".  
8.00-15.00 ПРОФИЛАКТИКА.  
15.00 "Шарф солимаси".  
15.10 "Солим шамоми", Т/с.  
15.15 "UzEX".  
16.00 "Дарв".  
16.10 "Сулуран", Т/с.  
16.40 "Сулиҳи нақорли".  
17.00 "Тоҳиқот музейлари".  
17.10 "Кўшик таражиҳети".  
17.30 "Узбек адабиети".  
17.40 "Осиё", Т/с.  
18.30 "Дарв маънуси".  
18.50 "UzEX".  
19.00 "Дарв".  
19.20 "Тоҳиқот музейлари".  
20.40 "Нуқсун наҳзар".  
21.10 "Сарой шамоми", Т/с.  
21.50 "Шарф солимаси".  
22.00 "Дарв".  
22.30 "Сулуран", Т/с.  
23.10 "Сулиҳи нақорли".  
23.30 "Хайёт-момот", Т/с.  
00.20 "Мультиканон дуне".  
1.10 Мисидий сериал: "Чархалак".  
2.00 "Дарв".  
3.20 "Афона армонлари", Б/ф.  
4.20 "Афона ва хадисат".  
5.20 "Yoshlan-FM".  
5.50-5.55 "Юрт инвестинг".

САНКЕРЕНТ

## ДУШАНБА — 18 АПРЕЛ

Хурматли телетомошибапчар!

TOSHKENT телеканалида солт.

14.55 таша профилактика.

14.55 Кўргузашлар тартиби.

15.00 "Лойлагуз".

15.15 "Тақдир тұхфасы", Т/с.

15.45 "Кўнисчан маймунчиқ", М/ф.

16.00 "Англиялар аудиони".

16.30 Тоҳиқот тароналари.

16.45 "Саргузашлар ороли".

17.10 "Идроқ".

17.20 "Хаёт фаслифаси".

17.35 Мисидий сериал: "Үмр

сўзмок, яриши".

18.00 "Лойлагуз".

18.25 "Лойлагуз".

18.45 "Эмоции эндиши".

19.00 "Инглилекулар аудиони".

19.10 "Истьлоҳ".

19.30 Тоҳиқот тароналари.

19.45 "Телекуриер-маркет".

19.55 "Бизнес-пойтаҳ".

20.00 "Лойлагуз".

20.25 "Лоҳидоздининг қўшини".

1.45-4.45 "Менинг шахрим".

20.55 "Менинг шахрим".

21.15 Тоҳиқот тароналари.

21.30 "Телекуриер-маркет".

21.40 "Инглиръ".

21.55 "Узлар".

22.00 "Мирзифон фойзибаси".

22.20 "Эко-пойтаҳ", рус.

22.45 "Лойлагуз".

22.55 "Конун SMS- со шахсами".

23.00 "Парен моёй лепшиғи", Х/ф.

00.30 Кўргузашлар тартиби.

00.35 "Эко-пойтаҳ", рус.

00.45 "Римская империя Август",

Х/ф, 1-жосм.

2.15 "Узларим".

2.20 "Конун доирасида".

2.35 "Лойлагуз", 19.00 йил мазуу".

3.00 "Лойлагуз".

3.10 "Кусто командининг сув ости

саражузигитари", Х/ф 130-жосм.

3.35 "Гаржима машҳоғи", Б/ф.

SPORT

- 6.00 "Хайрди тони".  
6.10 "Саломат бўлиғи".  
6.30 ХАБАРДАР.  
7.05 Болалар майдончиси.  
Тонти пимистика.  
"Спортивдания".  
Мультифильм.  
7.35 "Дарв, дарв, бўниғи".  
Телетомошибапчар динотлагида.  
"Срот" телеканалида солт.  
8.00 дин - 15.00 таша профилактика.  
15.00 Ракамлар, натижалар,  
рейтинглар.  
15.00 Баскетбол. Узбекистон  
чемпионати.  
16.15 Футбол. Итальянчи чемпионати.  
"Италия", "Джинни", "Джинни".  
18.00 Болалар майдончиси.  
"Спортивдания". Мультифильм.  
18.30 ХАБАРДАР.  
18.50 Саломатлик мазниси.  
18.55 "Баримал аюл - 2011".  
19.15 Кинбоксин. Узбекистон  
чемпионати.  
20.15 "Спорт - тур".  
20.25 "Футбол шарғи".  
21.30 ХАБАРДАР.  
21.50 Саломатлик мазниси.  
21.55 Футбол. Узбекистон  
чемпионати.  
22.05 "Нофтич - Шўртган".  
23.35 Сенсаён. Дастур яноси.  
23.45 Автошоп. Рено жадон-  
сатори.  
00.30 Гунен хабарлар.  
00.50 Интерфутбол.

- 2.30 Формула - 1. Хитой гран  
приири.  
4.15 Футбол. Италия чемпионати.  
"Фиорентина" -- "Ювентус".

- 07.00 - 15.00 ПРОФИЛАКТИКА  
15.00 18.10 19.30 20.35 21.05 Узбек  
наполари.  
17.30 "Мемлекет" Т/с.  
18.00 Prime time (узб).  
18.40 Т/с "Мудобоб асрараси".  
20.00 "Тон-10".  
21.10 "Скользение".  
22.00 "Соддуб ўзличтиш друга" Х/ф.  
09.00 Минион.  
01.30 Т/с "Каси".  
03.00-05.00 "Хроники ришина" Х/ф.

- 06.00, 08.05 "Добре утро"  
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости  
08.35 Конгрессная закупка  
09.00 "Жить здорово"  
10.00 "ЖКХ".  
11.20 Модный притвор  
12.20 "Детективы".  
13.00 Другие новости  
13.20 "Любовь. Простите".  
14.20 "Хотя знать" с Михаилом  
Шварценеггером.  
15.00 Т/с "Образцовый колымы".  
15.50 Федеральный суды.  
17.00 Вечерние новости  
17.15 Т/с "След".  
17.50, 03.00 "Давай покажемся"!  
18.30 "Пусть говорят".  
20.00 "Секреты".  
20.30 Т/с "Женские мечты о  
дальних странах".  
21.30 Поздники. "Выбор агента  
Бейбека".  
22.25 Ночные новости  
22.45 На ночь глядя  
23.30 Х/ф "Народ против Ларри  
Финнита".

РОССИЯ 1

- 04.00 Утро России.  
08.05 "С новым домом". Ток-шоу  
09.00 "С самим главным". Ток-шоу  
10.00 "Секреты любви". Ток-шоу  
10.30 13.30 15.19 19.20 Веста-Москва  
10.50 "Елизаветин", Казань.  
Нельзя помиловать".  
11.50 "Кулагин и партнера".  
13.50 Веста. Дежурная часть  
14.05 Т/с "Ефросинья. Прополже-  
ние".  
15.50 Т/с "Бык к lushуму".  
16.35 Т/с "Институт благородных  
девушек".  
17.55 "Прямой эфир".  
19.50 Спокойной ночи, малыши!  
20.00 Т/с "Марина небесная".  
22.50 "Городок".  
23.45 Веста +  
00.05 "Профилактика".

- 02.55 "НТВ утром".  
06.30 Следствие вели...  
07.30 08.20 13.30 16.30 Чрезвычайное  
присоединение.  
08.00 11.00 14.00 17.00 21.15 Сериалы.  
08.30 "Секреты любви".  
10.00 Суд присяжных.  
11.25 "Прокурорская проверка".  
12.40 "Давайте мириться".  
14.30 Т/с "Улицы работных

- фондай".  
17.30 Т/с "Новая жизнь сыщика  
Гурова. Продолжение".  
21.35 Честный понедельник.  
22.35 "Школа зловещий".  
23.35 "В зоне особого риска".  
23.45 Т/с "Декстрия Раи".  
00.40 Суд присяжных.

РОССИЯ K

- 06.00 "Европа", на русском языке  
09.00 11.30 13.30 20.30 Новости  
культуры.  
09.25 Х/ф "Дри для Виктора  
Чернышева".  
11.10 Юбилей актрисы "Нина  
Гулиева. Театр - это артисты".  
11.50 Д/ф "Мирровые сковорицы  
кулинарии".  
12.00 "Линии жизни". Илья Глазунов  
и Петра Степанова. Страницы журнала  
"Печерин".  
14.40 М/с. Вокруг света за 80 дней".  
15.00 "Рад - города, два - деревни".  
"Одна лошадка белая", М/ф.  
15.15 Т/с "Девочка из окна".  
15.40 Д/с "Обезьяны-воришки".  
16.05 Д/ф "Обратный отчет".  
16.30 Д/ф "Мирровые сковорицы  
кулинарии".  
16.45 Шелковый коридор искусств.  
17.35 Д/ф "Внимание. Антарктика!  
Глобальное предупреждение".  
18.45 Главная роль.  
19.05 Человек перед Богом.  
"Введение во Христа".  
19.35 "Стиль. Нескучные классики...", с  
Денисом Роднянским.  
20.15 Д/ф "Любовь и большие, чем  
добра".  
21.15 "Тем временем".  
22.00 "Кто мы?" Эпизод: физиант и  
динамика русской власти".  
22.55 "Кинескоп" с Петром  
Шепетниковым.  
23.35 Д/ф "Келек, которому  
не дают спать", Александр Титьев.  
00.20 Д/ф "Мирровые сковорицы  
кулинарии".  
00.30 "Утренний свет".

СТС

- 05.00 12.30 М/ф.  
07.00 14.30 18.00 "Папины дочки".  
08.00 19.00 "Воронины".  
08.30 19.30 "Светофор".  
09.00 11.55 6' кадров".  
10.00 "Артур и мини-шпиги".  
16.30 "Галоп".  
17.30 "Даша моложек".  
20.00 Закрытая школа".  
20.00 "Роботы".  
23.30 "Дома супергероев".  
23.30 "Кинотеатр пельменей".  
00.30 "Кино в деталях".  
00.30 "Утренний свет".

ТВ 3

- 05.00 М/ф.  
05.30 Т/с "Альф".  
06.00 "Ребята со зверятами".  
06.30 Д/ф "Городские легенды".  
Тверская область. Озеро Бросно".  
07.00 "Научите меня жить".  
08.00 Д/ф "Загадки истории. Правда  
о Столбенщике".  
09.00 Х/ф "Иные".  
10.00 "Дома супергероев" с  
Михаилом Красюковым.  
12.00 Д/ф "Верблюжье воскресение".  
13.00 "Научите меня жить".  
14.00 Х/ф "Бети, толстая, бети".  
16.00 Д/ф "Загадки истории. Город  
богов".  
17.00 Т/с "Мужчина во мне".  
18.30 Т/с "Тавиан 5-0".  
19.00 "Секреты любви".  
20.00 Т/с "Триада".  
21.00 Х/ф "Накал".  
23.00 Т/с "Нашествие".

ДНТВ

- 02.55 "НТВ утром".  
06.30 Следствие вели...  
07.30 08.20 13.30 16.30 Чрезвычайное  
присоединение.  
08.00 11.00 14.00 17.00 21.15 Сериалы.  
08.30 "Секреты любви".  
10.00 Суд присяжных.  
11.25 "Прокурорская проверка".  
12.40 "Давайте мириться".  
14.30 Т/с "Улицы работных

Z

Xabar

ОТДЕВЕКСТОН

- 5.55 Құрсатуладар дастуры.  
6.00 "Ассалом, Узбекистон"  
7.00 "Ислам".  
7.05 "Олар на одам" дастурик "Замин тарбиятінің күні".  
7.20 "Күннен өзінік, істайды".  
7.25 "Сынты қарозана". Т/с.  
8.00 "Айборот".  
8.40-25 "Мәденият" дастуры.  
9.25 Болалар дүниесін.  
9.50 Сиңарлар инсон телерадиокомпа-  
ниясынан шығып, этак.  
10.10 "Менниң маликам". Т/с.  
10.15 "Айборот" /видео/  
11.00 "Айборот".  
11.10 "Комиссар Рекс". Т/с.  
11.50 "Айборот" /видео/  
12.00 "Ассалом, Узбекистон".  
12.50 "Күннен қарозана, істайды".  
13.00 Миллик сериал: "Калдиричылар  
жыныс жайтады".  
13.30 "Бағдарлар сафарасы".  
14.00 "Күннен қарозана жыныс жайтады".  
14.40 "Айборот".  
14.20 "Ойдан хәрі". Ток-шоу.  
15.05 "Ислам".  
15.10 "Олар на одам" дастуры: "Еуропа -  
континент тарзар".  
16.10 "Айборот".  
16.20 "Фонд".  
16.40 "Күннен қарозана жыныс жайтады".  
16.40 "Узбекистон табиғаты".  
17.00 "Айборот".  
17.15 "Тарих құлғасы".  
"Болалар сафарасы".  
17.35 "Әтапкар - яхшылықта етаклар".  
17.55 "Ислам".  
18.00 "Күннен қарозана жыныс жайтады".  
18.10 "Сынты қарозана". Т/с.  
18.45 "Айборот" /видео/  
19.05 "Күн мәнусы".  
19.15 "Ислам".  
19.20 "Сиздин адекваттингиз".  
19.25 20.00, 20.55 Эълонкар.  
- 03.20 Т/с "Холм одного дерева"  
06.00 08.00 11.00 Сегодни.  
06.15 Лотерея "Русское лото".  
06.45 Их нравы.  
07.25 Едим дома.

- 08.20 "Первая передача".  
08.50 "Пир на весь мир".  
10.00 Дачный ответ.  
11.30 Фильм "Русский крест".  
15.20 И снова здравствуйте!  
16.20 Чрезвычайное происшес-  
тие.  
17.00 "Сегодня. Итоговая  
программа" с Кириллом Поздня-  
ковым.  
18.00 Чистосердечное признание.  
18.50 "Центральное телевидение".  
Первое информационное шоу.  
20.00 Детективный Т/с "Глу-  
харь".  
22.55 "Альянсы".  
23.30 Футбольная ночь.

## РОССИЯ K


- 05.30 "Европьюс" на русском  
языке  
09.10 "Лето Господне". "Воскресе-  
ние Христово. Пасха".  
09.35 Иоганн Себастьян Бах.  
"Иисус - мой радость".  
09.40 X/ф "Наш дом".  
11.10 "Судьба и роли". Нина  
Сафонова  
11.55 X/ф "Доктор Айболит"  
13.00 М/ф "Сказка о рыбаке и  
рибаке".  
13.35 Д/ф "Хвосты Калакахи"  
14.25 "Звезды ширка".  
15.20 "Кудесники танца".  
16.35 "Дом актера".  
17.15 Д/ф "Любовь Орлов и  
Григорий Александров"  
17.55 X/ф "Веселые ребята".  
19.30 "В гостях у Эндыара  
Раззакова". Творческий вечер  
Алексея Петренко  
20.40 Открытие Х Московского  
Пасхального фестиваля. Прямая  
трансляция из КЗУ  
23.00 X/ф "Наш дом".  
00.35 Д/ф "Мировые сковорища  
культуры". Виченца. Город  
Палладио".

## ОСТС

- 05.00 "Собачье дело".  
07.00 М/с.  
08.00 "Хороший умыши".  
09.45 "Ерапаш". Детский  
юмористический киноконцерт.  
10.00 "Талило".  
11.00 "Снимите это немедленно!"  
12.00 "Светофоб".  
14.00 15.10 17.55 "6 кадров".  
15.30 "Мумия возвращается".  
18.15 "Артур и месть Урдалака".  
20.00 "Мумия. Гробница  
императора драконов".  
22.00 "Украинский квартал".  
23.30 "Случайные связи".

## СТВ З

- 05.00 М/ф. "Фостер: дом для  
друзей из дома фантазий"  
08.00 "Звездные войны: Войны  
клонов".  
09.00 X/ф. "Неприятности с  
обезьянкой".  
11.00 "Удиви меня".  
12.00 Д/ф. "Экстразоны против  
ученых".  
13.00 Т/с. "Медиум".  
15.00 X/ф. "Я - легенда".  
17.00 Д/ф. "Великая Пасха".  
18.00 X/ф. "Деловая девушка".  
20.00 "Семейный приговор".  
Геннадия Хазанова".  
21.00 X/ф. "Эдвард Руки-  
ножницы".  
23.30 Д/ф. "Альтернативная  
история. Социализм с нечелове-  
ческим лицом".



### Дүшәнбә

- 06:00 10:00 "Оңайын хабарлары"  
 06:05 Мұмтоз нақолар  
 06:30 10:30 16:00 "Пойтахт хабарлары"  
 06:35 11:05 11:30 14:45 15:40 "Форум жасты"  
 06:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 06:55 08:05 11:55 20:25 "Оналих баҳти" күрсатуны  
 07:00 "Яни аюны"  
 07:15 17:15 Мұлағылымны  
 07:30 "Худал" алборот-таудылық дистрибуторы  
 07:50 08:40 11:00 14:00 15:20 17:35 18:30 20:50 "Хорек хабарлары"  
 07:55 20:55 "Бизнес-репорт" инфосейлінг-хөтимдік дистур  
 08:10 "Бүни хәт лайнерд" бадий-майорлық дистур  
 08:35 10:45 11:40 15:30 18:35 23:30 НТГДа мусика  
 09:00 12:00 14:35 18:00 "Худалын хабарлар"  
 09:05 "Ташеккору" т/с (32-кім)  
 09:45 17:40 19:30 "Бизнес-промо"  
 10:05 "Парламент соғын" алборот-таудылық дистру  
 10:35 16:55 17:55 Кинотабассум  
 10:40 "Күтүпшілік томаша"  
 11:15 Күтүпшілік томаша  
 12:05 "Лубко монн ленгін" б/ф  
 14:05 "ТАКИЛУZ"  
 14:30 "Парламент: 5 дақыра"  
 14:40 "Менинг манасын Узбекистон"  
 15:00 "Худал" алборот-таудылық дистру  
 15:25 22:15 НТТ спорт  
 16:05 "Мұлағылымны" т/с  
 16:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 17:00 "Болалар ҳудалы"  
 17:30 Парламент соғын 5 дақыра  
 18:05 "Карина-Карина" т/с (64-кім)  
 18:45 "Хәт қарын" сериял (02 қім)  
 21:05 "25 кадр" кинокорстуны  
 21:40 "Ташеккору" т/с (34-кім)  
 22:20 "Оңайын ырқыда" б/ф  
 00:15 Түннің кинозал  
 01:30 Түнніңшіл хайран блескін

### 14:30 "Парламент: 5 дақыра"

- 14:40 "Менинг манасын Узбекистон" 15:00 20:30 "Худал" алборот-таудылық дистру  
 15:25 22:15 "НТТ спорт" 16:05 19:45 "Мұлағылым симфоникси" т/с (124-кім)  
 16:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 17:00 "Болалар ҳудалы"  
 17:30 Парламент соғын 5 дақыра  
 18:05 "Карина-Карина" т/с (64-кім)  
 18:45 "Хәт қарын" сериял (02 қім)  
 21:05 "25 кадр" кинокорстуны  
 21:40 "Ташеккору" т/с (34-кім)  
 22:20 "Оңайын ырқыда" б/ф  
 00:15 Түннің кинозал  
 01:30 Түнніңшіл хайран блескін

### Чоршанба

- 06:00 10:00 "Оңайын хабарлары"  
 06:05 Мұмтоз нақолар  
 06:30 10:30 16:00 "Пойтахт хабарлары"  
 06:35 14:45 15:40 "Форум жасты"  
 06:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 06:55 08:05 11:55 20:25 "Оналих баҳти" күрсатуны  
 07:00 "Яни аюны"  
 07:15 17:15 Мұлағылымны  
 07:30 15:00 20:30 "Худал" алборот-таудылық дистур  
 07:50 08:40 11:00 14:00 15:20 17:35 18:30 20:50 "Хорек хабарлары"  
 07:55 20:55 "Бизнес-репорт" инфосейлінг-хөтимдік дистур  
 08:10 16:25 кадр" кинокорстуны  
 08:35 10:45 13:50 15:30 18:35 00:00 НТГДа мусика  
 09:00 12:00 14:35 18:00 "Худалын хабарлар"  
 09:05 "Ташеккору" т/с (34-кім)  
 09:45 17:40 19:30 "Бизнес-промо"  
 10:05 Ижод ластан (такор ишештесін)  
 10:35 16:55 17:55 Кинотабассум  
 10:40 "Күтүпшілік томаша"  
 11:05 "Хәт қарын" сериял (02 қім)  
 12:05 "Оңайын ырқыда" б/ф  
 14:05 "Хәт қарын" (Күрсатуны меммони)  
 14:40 "Менинг манасын Узбекистон"  
 15:25 22:15 НТТ спорт  
 16:05 19:45 "Мұлағылым симфоникси" т/с  
 16:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 17:00 "Болалар ҳудалы"  
 17:30 Парламент соғын 5 дақыра  
 18:05 "Карина-Карина" т/с (65-кім)  
 18:45 "Хәт қарын" сериял (03 қім)  
 21:05 "Топшына" (Күрсатуны меммони Ортиқ, Отаконов)  
 21:40 "Ташеккору" т/с (35-кім)  
 22:20 "Кираса" б/ф  
 00:15 Түннің кинозал  
 01:30 Түнніңшіл хайран блескін!

### Панда

- 08:35 10:45 12:50 15:30 18:35 23:30 НТГДа мусика  
 09:00 12:00 14:35 18:00 "Худалын хабарлар"  
 09:05 "Ташеккору" т/с (35-кім)  
 09:45 17:40 19:30 "Бизнес-промо"  
 10:00 "Оңайын хабарлары"  
 10:05 Ҳужағы фильм  
 10:30 "Пойтахт хабарлары"  
 10:35 16:55 17:55 Кинотабассум  
 10:40 "Күтүпшілік томаша"  
 11:05 "Хәт қарын" сериял (03 қім)  
 12:05 "Мұлағылымны" б/ф  
 14:05 "Форум жасты"  
 15:00 20:30 "Худал" алборот-таудылық дистур  
 15:25 22:15 "НТТ спорт"  
 16:00 "Пойтахт хабарлары"  
 16:05 19:45 "Мұлағылым симфоникси" т/с  
 16:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 17:00 "Болалар ҳудалы"  
 17:30 Парламент соғын 5 дақыра  
 18:05 "Карина-Карина" т/с (65-кім)  
 18:45 "Хәт қарын" сериял (04 қім)  
 21:05 "Ташеккору" т/с (36-кім)  
 22:20 "Вики, митті викин" б/ф  
 00:00 Түннің кинозал  
 01:30 Түнніңшіл хайран блескін

### Шанба

- 06:00 "Пойтахт хабарлары"  
 06:05 Мұмтоз нақолар  
 06:30 10:30 15:00 20:30 "Хорек хабарлары"  
 06:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 06:55 11:30 19:45 "Оңайын баҳти" күрсатуны  
 07:00 "Жашын қайғын"  
 07:30 "Худал" алборот-таудылық дистур  
 07:55 "Бизнес-репорт" инфосейлінг-хөтимдік дистур  
 08:05 Болалар соғын  
 09:00 14:35 18:00 "Худалын хабарлар"  
 09:05 "Ташеккору" т/с  
 11:15 16:55 17:55 23:30 Кинотабассум  
 11:35 "Күтүпшілік мәсө" б/ф  
 13:00 "Дайыр ширин" мусиной-дам оныш дистур  
 14:30 "Парламент: 5 дақыра"  
 14:40 "Менинг манасын Узбекистон"  
 15:05 "25-кадр" кинокорстуны  
 15:30 "Оңайын ырқыда" б/ф  
 16:00 "Пойтахт хабарлары"  
 16:05 "Форум жасты"  
 16:20 Күтүпшілік томаша  
 16:45 17:40 "Бизнес-промо"  
 17:00 Мұлағылымны  
 17:55 Кинотабассум  
 18:05 "Оңайын ырқыда" б/ф  
 19:50 "Армутын" мусиной дистур  
 20:00 "Парламент соғын"  
 20:35 "Хайда спорт" инфомашин-он-таудылық дистур  
 20:35 "Ташеккори гаплар" күнніл  
 21:30 "Бағыт ер блескін" б/ф (Хиншесті)  
 00:00 Түннің кинозал  
 01:30 Түнніңшіл хайран блескін!

### Жума

- 06:00 10:00 "Оңайын хабарлары"  
 06:05 Мұмтоз нақолар  
 06:30 10:30 16:00 "Пойтахт хабарлары"  
 06:35 14:35 15:40 "Форум жасты"  
 06:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 06:55 08:05 11:55 20:25 "Оналих баҳти" күрсатуны  
 07:00 "Яни аюны"  
 07:15 17:15 Мұлағылымны  
 07:30 15:00 20:30 "Худал" алборот-таудылық дистур  
 07:50 08:40 11:00 14:00 15:20 17:35 18:30 20:50 "Хорек хабарлары"  
 07:55 20:55 "Бизнес-репорт" инфосейлінг-хөтимдік дистур  
 08:10 "Ташеккору"  
 08:35 10:45 13:50 15:30 18:35 00:00 НТГДа мусика  
 09:00 12:00 14:35 18:00 "Худалын хабарлар"  
 09:05 "Ташеккору" т/с (35-кім)  
 09:45 17:40 19:30 "Бизнес-промо"  
 10:00 "Пойтахт хабарлары"  
 10:05 Ижод ластан (такор ишештесін)  
 10:35 16:55 17:55 Кинотабассум  
 10:40 "Күтүпшілік томаша"  
 11:05 "Хәт қарын" сериял (04 қім)  
 12:05 "Вики, митті викин" б/ф  
 14:05 "Топшына" (Күрсатуны меммони Ортиқ, Отаконов)  
 14:30 "Парламент: 5 дақыра"  
 14:40 "Менинг манасын Узбекистон"  
 15:25 22:15 НТТ спорт  
 16:05 19:45 "Мұлағылым симфоникси" т/с  
 16:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 17:00 "Болалар ҳудалы"  
 17:30 Парламент соғын 5 дақыра  
 18:05 "Карина-Карина" т/с (65-кім)  
 18:45 "Хәт қарын" сериял (05 қім)  
 21:05 "Топшына" (Күрсатуны меммони Ортиқ, Отаконов)  
 21:40 "Ташеккору" т/с (35-кім)  
 22:20 "Кираса" б/ф  
 00:15 Түннің кинозал  
 01:30 Түнніңшіл хайран блескін!

### Якшанба

- 06:30 10:00 18:00 "Худалын хабарлар"  
 06:35 Мұмтоз нақолар  
 07:00 Информациян блок  
 07:30 Болалар соғын  
 09:05 "Колпак"  
 09:30 НТТ спорт  
 09:35 "Мұлағылым симфоникси" т/с  
 11:55 16:45 "Оңайын баҳти" күркүтүн  
 12:00 15:35 "Хорек хабарлары"  
 12:05 "Ташеккори гаплар" күнніл  
 09:30 "Бағыт ер блескін" б/ф  
 15:30 "Оңайын хабарлары"  
 15:40 "Ташеккору"  
 16:00 "Пойтахт хабарлары"  
 16:05 "Форум жасты"  
 16:15 "Топшына"  
 16:45 17:40 19:35 "Бизнес-промо"  
 17:00 Мұлағылымны  
 17:35 Кинотабассум  
 18:05 "Вики, митті викин" б/ф  
 19:50 "Армутын" мусиной дистур  
 20:00 "Ижод ластан"  
 20:20 Экран хандаси  
 20:30 "Форум хабарлары"  
 20:50 "Дүне НТГ жаңоңда"  
 21:00 "Дайыр ширин"  
 21:30 "Мүзейшіл үргешін" б/ф  
 22:30 "Музейшіл үргешін" дистур  
 00:10 НТГДа мусика  
 00:20 Түннің кинозал  
 02:00 Түнніңшіл хайран блескін!

### Сембеба

- 06:00 "Оңайын хабарлары"  
 06:05 Мұмтоз нақолар  
 06:30 10:30 15:40 "Форум жасты"  
 06:40 Ешшар студииси: "Көлжак билен козма-көз"  
 06:55 08:05 10:00 11:55 20:25 "Оналих баҳти" күрсатуны  
 07:00 "Яни аюны"  
 07:15 17:15 Мұлағылымны  
 07:30 "Худал" алборот-таудылық дистур  
 07:50 11:00 14:00 15:20 17:35 18:30 20:50 "Хорек хабарлары"  
 07:55 20:55 "Бизнес-репорт" инфосейлінг-хөтимдік дистур  
 08:10 "Жашын қайғын"  
 08:40 10:05 10:05 13:45 15:30 18:35 00:00 НТГДа мусика  
 09:00 12:00 14:35 18:00 "Худалын хабарлар"  
 09:05 "Ташеккору" т/с (33-кім)  
 09:45 17:40 19:30 "Бизнес-промо"  
 10:30 16:00 "Пойтахт хабарлары"  
 10:35 16:55 17:55 Кинотабассум  
 10:40 "Күтүпшілік томаша"  
 11:05 "Хәт қарын" сериял (01 қім)  
 12:05 "Сонғын" б/ф  
 13:35 Күтүпшілік томаша  
 14:05 "Комкон"

ТВ-дистурлар «Садо» МЧК томонидан тақдим этилди.

# “ЧИРКОМ” КҮШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Республика алоқачиларини  
яқинлашиб келаётган  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ  
билин табриклийди.

CHIRKOM

Хонадонингиздан ҳеч қачон  
хурсандчиллик ва файзу барака аримасин!

JAHON POCHTASI

## “Рангли” почта

Финляндия почта хизмати — Posti биринчи тоифали почта учун мижозларига янги, кўй рангдаги почта кутиларини таклиф этишини бошлади. 312ta маҳсус кути аҳоли энг гавжум жойларга ўрнатилади. “1” рақами ёки “Priority” белгиси туширилган почта жўнатмалари аввалигидек жўнатилганидан бир кун ўтиб, эрталаб манзилга етказиб берилади.

Почтани саралашни тезлатиш ва бошқа почта жўнатмаларини етказишни жадаллаштириш мақсадида Posti ўз мижозларидан иккичи тоифали хатларни эски — сарқ почта кутилари орқали жўнатишини сўраган.

## Жўнатмалар бепул қайтарилади

Словения почтаси ва Германия почта хизмати — DeutschePost Europa Иттифоқида биринчилардан бўлиб ҳар икки мамлакат доирасида онлайн орқали харид қўлинган товарларни бепул қайtarishi бўйича битимга келишида.

Улар қитъадаги бошқа операторларга ҳам бу хизматни кўрсатишни тавсия этишмоқда. Шунда мамлакатлар ўртасидаги товар алмашиб ўсиб, масофавий савдога бўлган ишонч мустаҳкамланади.

## Рақамли почта қутиси

Posten Norge AS (Норвегия почта хизмати) рақамли почта тизимини жорий этишига киришди. Норвегияликлар энди одатий қофоз хатлар билан бирга, рақамли кўринишдаги почтани ҳам олишади. Электрон почта қутиси фуқаронинг реал почта манзили ва миллий идентификация рақамига мос жойлаштирилади.

Норвегия почтаси бош директори Даг Мейделлнинг айтишича, Posten Norge AS 360 йилдан бери мамлакатнинг ҳар бир манзилига почтани етказиб келияпти. Рақамли мухит кенгайиб бораётган шароитда норвег почта оператори асрлар давомида ортирилган ишончни йўқотишни истамайди ва ўз фаолиятини рақамли кўринишда ҳам давом эттираверади.

## Автопарк янгиланяпти

Deutsche Post DHL эски автомобилларини ҳисобдан чиқариш ва янгиларини харид қилиш ҳисобига автомобилларни кенгайтирумокда. Ўтган йил охирида компания автофургонлар учун Германия доирасида энг йирик буюртма берганди. Тендер натижасида Mercedes-BenzVans компанияси билан 1300ta фургон етказиб бериси борасида битим имзоланди.

2010 йил декабрида дастлабки автомобиллар олинди ва жорий йил охиригача улар тўлиқ етказиб берилади. Почта хизмати учун тақдим этилаётган фургонлар юқори технологияларни хусусиятлари, сифати ва ҳавога заарли газларни кам чиқариши билан эътиборга моликиди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, бу янги транспорт воситаларига юкнинг оғирлиги ва ҳолатини аниқловчи, машинанинг чидамлилигини оптималлаштирувчи тизим ўрнатилган.

# “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамиз  
алоқа ходимларини  
тобора яқинлашаётган  
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ  
билин табриклийди.



Байрамона кайфият  
Сизни асло тарк ётмасин!

## REYTING

### ШВЕЦИЯ ВА СИНГАПУР ЕТАКЧИ

Бутунжаҳон иқтисодий форумининг 2010-2011 йилларда мамлакатларнинг ахборот технологияларини ривожлантириш рейтингидаги Швеция ва Сингапур етакчи ўрнинларни егаллади. Кейинги ўрнинларни эса Финляндия, Швейцария ва АҚШ банд этган.

Етакчи ўнликка, шунингдек, Исландия (16-ўрин)дан ташқари, барча Скандинавия мамлакатлари, Тайван ва Жанубий Корея киритилган.

### ҚУЁШ СТАНЦИЯСИ УЧУН 168 МИЛЛИОН

Google интернет-компанияси Калифорниянинг Монхаве чўлидаги қуёш электр станцияси лойиҳасига 168 миллион доллар ахрарини маълум қилди. Америка-нинг BrightSource Energy компанияси лойиҳа курилиши ташаббускори саналади.

BrightSource Energyдан олинган маълумотга кўра, Ivanpah Solar Electric Generating System деб номланган бу станция курилиши 2013 йилда ниҳоясига етказилади ва у сайдермиздаги энг йирик қуёш станциясига айланади.

## QURILMALAR

### “ЭНГ ТЕЗ” СМАРТФОН

Samsung компанияси етакчи смартфони — Galaxy S IIra ўзгартиришлар киритишга қарор қилди.

Курилмага 1,2-гигагерци процессор ўрнатилади, натижада у 2011 йилнинг “энг тез” Android-смартфонига айланиси мумкин.



**ТАТУ Фарғона филиали 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, буғунги кунда бу даргоҳда 1000 нафардан ортиқ бакалавр ва магистрлар таҳсил олмоқда. Қисқа вакт мобайнида филиал Фарғона водийсидаги нуғузли олий ўкув юртларидан бирига айланди. Жорий йилнинг январ ойидаги филиалга замонавий масофавий таълим қурилмалари мажмуаси ўрнатилди. Буғунги кунда деярли ҳар куни масофавий таълим, масофавий ўқиш хакида эшитамиз ёки сўзлашамиз. Қуйида масофавий таълим, унинг афзаликлари ва буғунги кунда бу таълим жараёнида кўпланилаётган технологиялар хакида маълумотлар келтириб ўтилган.**


Масофавий таълим — аҳолининг кенг қатлами учун маҳсус инфомрацион таълимга қаратилган бўлиб, масофадан турб ўкув ахборотларини алмашии воситалари (йўлдошли алоқа, телевидение, радио, компьютер ва бошқалар) асосида ишловчи таълимга қаратилган хизматлар мажмуаси ҳисобланади.



#### Масофавий таълимининг афзаликлари

Шубҳасиз, масофавий таълим таълимининг барча муммалорини ҳал қила олмайди, лекин янги ахборот технологияларини кўллаш олий таълимининг бир қатор муҳим оларини ечиш имконини беради:

- Ўқиш учун кетадиган маблагни тежаш;
- Ўқиши хусусиятини ўзи танлаш имконияти;
- Ўқиши учун худудий чекловнинг ўқувлigi;
- Ўқиши тури ва воситаларининг хилма-хиллиги;
- Янги ахборот технологиялари бўйича қўшимча билим олиш;
- Якин ўкув мусассаларидан мавжуд бўлмаган фанларни ўрганиш;
- Нуғузли университетларининг таълимга қаратилган дастур ва курсларидан фойдаланиши.



Масофавий таълимда таълим жаёнида компютер техникини ва телекоммуникация воситалари ҳамда бошқа янги ахборот технологияларини кўллашга асосланган анъанавий ва инновацион таълим воситаларидан фойдаланилади. Бу замонавий таълимни билан "таълимининг дастурӣ-техник воситалари" деб юритилади.

Масофавий таълимни ўтказиши учун жорий қилинадиган дастурӣ-техник воситалар кўйидаги педагогик вазифаларни ҳал этиши зарур:

- Мустақил ўқиши ва компютер тестларидан ўтиш имконияти;
- Ўкув материалыни етказишини куляй шароитларини таъминлаш;
- Ўқувчилар билан ишлаш ва ўзаро муносабатни жамоавий мулокот асосида олиб бориш.

# Кечаги орзулар бугун амалда

#### Масофавий таълим технологиялари

**Репродуктив технологиялар.** Репродуктив технологиялар (ўкув материалиларини тарқатиш технологиялари) кўпроқ ўқитувчига йўналтирилган ўкув жараёнларини бошқариш ва масофадан турб ўкув жараёнларини ўтказиши ўз ичига олган дастурӣ-техник воситалар мажмумини тушунамиз. Буғунги кунда масофавий таълим технологиялар платформалари дейилганда, масофавий таълим кўрсатиши хизматига қаратилган бўлиб, ўқитиши моделига асосланган. Технологиянинг асосий мақсади — ахборот жўнатиши.

Репродуктив методикани амалга ошириш учун, биринчи навбатда, ўқитиши воситалари ва ўкув материалиларини етказиши воситаларини кўллаш боради. Бу ўкув-методик материалиларни етказишида тармоқ технологияларидан, ўқитувчи ва ўкувчи ўзаро мулокоти учун эса электрон почтадан фойдаланилади.

**Интерактив технологиялар.** Масофавий таълимининг интерактив технологиялари якка шахсга йўналтирилган ўқитиши моделига асосланган ва биринчи навбатда, билимларни эгаллаш ва маҳорат ортиришига қаратилади. Бу технологиянинг камчилиги шундаки, ўзи билан бирга ўқитишини ўзаро ҳаракат қилиши кўзда тутилмайди. Интерактив технологияларнинг энг ёрқин намунаси сифатида кейс-технологияларни келтириши мумкин.

Интерактив технологияларнинг замонавий кўрининши репродуктив технологияда бўлган каби тармоқ технологияларини ҳисобланади. Бунда ҳам якка шахсга йўналтирилган моделнинг юқориоқ даражадаги техник шаклидан фойдаланилади. Тармоқда ўқитишини ўкувчиларга компютер курслари етказиб берилади ва ўзларининг ўқиши ҳолатларини талаб қилинган ва ўзини-ўзи текшириш топшириклиарни бажариш, ўқитувчи билан электрон почта орқали мулокот қилишда билиб боради.

**Биргаликдаги таълим технологиялари.** Биргаликдаги таълим технологиялари фикрларни қобилиятини ривожлантириши (таҳнил қилиш, синтез, баҳолаш)га йўналтирилган бўлиб, ўқитишини ўкув гуруҳларида кўллашни кўзлайди. Бу технологиялар синфи кичик гуруҳларда ўқитишини учун кўллашга йўналтирилган.

Мулокотни ташкил этишининг тармоқ технологиялари кўпфункцияли, жамоавий фойдаланиладиган, турли интерактивликдаги ва ахборотни жўнатишида турлика қўринишни виртуал ўкув мухитини куриш имконини беради. Бу виртуал мухитда ўқиётганларнинг ўзаро жамоавий ҳаракати


ўқитувчи назорати остида бўлади.

**Технологик платформалар.** Масофавий таълим технологик платформалари дейилганда, масофавий таълим кўрсатиши хизматига қаратилган ўкув жараёнларини бошқариш ва масофадан турб ўкув жараёнларини ўтказиши ўз ичига олган дастурӣ-техник воситалар мажмумини тушунамиз. Буғунги кунда масофавий таълим технологик платформалари кўйидаги асосий кўринишлари билан фарқ қиласи — ТВ-технология, кейс-технология, тармоқ технологиялари.

Масофавий таълим технологиялари синхрон тармоқ технологияларида ўқитувчиларга ўкув-методик материалиларни етказиши ва доимий ўқитувчи-титор консультациясини ташкиллаш учун телевидение тизимидан фойдаланишида асосланади. Шунингдек, йўлдошли ТВ ва телекуپрилардан фойдаланган ћолда "жонли" машгулотларни ташкил этиши мумкин.

**Кейс-технологиялари.** Кейс-технологиялари матн, аудиокўриниши ва мультимедиа ўкув-методик материалиларни тўплами (кейслар)дан фойдаланиши ва ўкувчиларга мустақил ўрганишлари учун ўқитувчи-титор томонидан доимий маслаҳатларни беришга асосланган.

**Тармоқ технологиялари.** Тармоқ технологиялари, телекоммуникация тармоқларидан ўқитувчи ва ўкувчи билан ўзаро боғлиқликтаги ҳар хил интерактив даражали ва ўкувчиларни ўкув-методик материалилар билан таъминлаш учун кўлланилиади. Тармоқ технологиялари асинхрон ва синхрон турларга бўлинади.



**Асинхрон тармоқ технологиялари.** Асинхрон технологиялар етарлича хилма-хил ва улардан кўпроқ иккичурухи машҳур:

Computer-Based training (CBT) — турли даражали интерактивликдаги компютер ўргатувчи дастурлар воси-

тасидаги мустақил таълим. Яъни, компютер ўргатувчи дастурлари орқали мустақил таълим.

Web-Based training (WBT) — турли даражали интерактивликдаги компютер ўргатувчи дастурлар воситасидаги мустақил ва жамоавий таълим.

WBT ва СВТларнинг асосий фарқлари:

• Ўкув материаллари кўпинча тармоқда сақланади (ўзгартиришларни оператив киритиш ва уларни тезкор етказиш);

• Ўкувчиларнинг ўкув фаолияти-

ни кузатиб ва бошқариб бориш (компютер орқали тест олишини бошқариш ва назорат қилиши);

• Индивидуал ва гурӯх бўйича мулокот воситаларини турли даражали интерактивлиги бўйича кўлаш имконияти.

**Синхрон тармоқ технологиялари.** Синхрон тармоқ технологиялари замонавий масофавий таълим технологиясидир, бу технология қатнашувилиари ўкув жараённада бир-биридан узоқ худудда жойлашган бўлади. Синхрон технологиялар видеоконференцалоқ воситалари ва биргаликда ишлаш кўшимча жиҳозларидан фойдаланган ћолда виртуал синфлар яратишга мўлжаллангандир. Синхрон технологиялар бир вақтнинг ўзида виртуал синфдаги барча ўкувчиларнинг қатнашишларини талаб қиласи ва ҳатто бир машгулот давомида ўқитишини турлика моделларини самарали бирга кўшиб олиб боришга имконияти.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида масофавий таълимни жорий этиши мақсадида 2011 йил январ ойида ТАТУ раҳбарияти ташаббуси билан "Huawei Tech Investment Tashkent" МЧЖ томонидан филиалга видеоконференция алоқа терминални ўрнатилди. Ушбу жиҳоз масофавий таълимни замонавий курилмаси ҳисобланади, кўйидаги имкониятларга эга:

- ТАТУ ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг маърузалари филиалда талабаларнинг виртуал тарзида қатнашиши;

- филиал профессор-ўқитувчиларининг маърузаларини ТАТУ ва унинг бошқа филиаллари талабаларига етказиш;

- амалий машгулотларни биргаликда бажариш;

- илмий-амалий конференция, семинарлар ва тренингларни ташкил этиши;

- виртуал кўргазмалар ташкил этиши.


2011 йил 3 февралдан бошлаб филиалнинг магистратура босқичи талабалари учун пайшанба ва шанба кунлари иккичурухи жуфт соат ҳаждада "JAVA тили" ва "SQL-технологияси" фанлари бўйича ТАТУ профессор-ўқитувчилари томонидан масофавий таълим доирасида дарслар олиб борилмоқда.

**Фарҳод МУЛАЙДИНОВ,**  
ТАТУ Фарғона филиали магистранти

## МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Юртимиз алоқачиларини  
яқинлашаётган  
**КАСБ БАЙРАМЛАРИ**  
билин қутлайди.

Эзгу мақсадларингизни амалга  
оширишингизда Сизларга  
куч-кувват тилаймиз.



Ўтаётган ҳар бир лаҳза  
хаётиңгиз мазмунига айлансан!

## Билимимни ошириб, лойихалар қилмоқчиман

Ахборот технологияларининг тури хозирги даврга келиб жуда кўпайган. Рус олими Попов томонидан 1878 йил 7 майда иктиро килинган радиокурилма булунгичунда ўзининг такомиллашган боскичига чиқди. "Коғозсиз ва масофасиз" газета-радио оммавий ахборот воситасининг тури сифатида энг катта имкониятларга эгалид.

Мен радиотехника соҳасига болалик давримдан жуда қизикаман. Радиоприёмникдан тарафдан хабарлар ва қўйишларнинг узатилиши менга сирли жумбоқ бўлиб туюларди. Келажакда ана шу соҳа бўйича мутахассис бўлишини орзу қўлганман. Шу мақсадда 2010 йилда Тошкент алоқа касбхунар коллежини мұваффақиятли таоммуб, Тошкент ахборот технологиялари университети радиотехника факультетида ўқиши учун тест синовладридан ўтдим ва талабалик баҳтига мұжассар бўлдим.

Бўлажак мутахассис сифатида айтишим мүмкинки, Ўзбекистонда радиоэлектроника соҳасини ривожлантириш керак. Чунки масофадан турниб бошқариладиган технологияларнинг барчиси ана шу соҳа билан узвий боғлиқ. Масалан, улкан ҳаво лайнерига ўрнатилган радиотехник курилма бўлмаса, унинг ишлаш жараённада катта муммолов түғилиши мүмкун. Катта тезлик билан йўловчиликни бир манзилдан иккинчи манзилга элтаётган ёки юк билан

ҳавода учайтган самолёт фавқулодда ҳолатларда рация орқали бошқа нуктадаги радиотехник курилма билан алоқа ўрнатади. Демак, ҳаво йўллари ҳам радиолардан воситаларсиз ишлай олмайди.

Метрополитен, темир йўл, нефтгаз корхоналарида борсангиз, масофадан турниб бошқариладиган бутун бошни тизимларга кўзингиз тушади. Бу ҳам радиотехник воситалар асосида иш кетаётганидан далолат беради.

Мудофаа соҳаси, яъни аҳоли тинчлиги ва осоишишлаганини таъминловчи ҳарбий қисмлар фаолиятини радиотехник курилмаларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Қисм навбатчи ходимига узоқ масофада қандайdir амалийтларни бажариб юрган аскарлар турли зарурий ахборотларни радиотелефон воситасида узатишлари мумкин. Демак, мудофаа соҳасини ҳам радиотехника соҳасисиз ривожлантириши кўйин.

Тиббиёт соҳаси XXI асрга келиб тараққиёт поғонасига чиқди. Хозир тиббий хизматнинг барча ўйналишлари

рида замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда лазертерапия, физиотерапия анча ривожланган бўлиб, асоб-ускуналар катта валота эвазига ривожланган давлатлардан келтирилмоқда. УЗИ, УВЧ, компьютер ускуналарининг четдан келтирилиши давлат фазнасидан катта микдорда пул сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон тараққиётининг омилларидан бири юқори ва паст частотали технологияларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган радиотехника саноатини йўлга кўйишдан иборат. Агар турли русумдаги катта-кичига ҳажмидаги радиотехника ва телекоммуникация воситалари ўзимизда ишлаб чиқарилса, бу мамлакатимизда фан-техника ривожланишининг муҳим шарти бўлар эди.

Мақсадим университетни мұваффақиятли битириб, магистратура йўналишида таҳсилни давом эттириш. Ўқитувчиларни ёрдами билан радиотехника соҳасидаги муммоловарни чукурроқ ўрганмоқчиман. Уларни умумлаштириб, ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш учун ўз лойихаларимни тақдим этиш ниятларим бор.

Дурдана РАЙМБЕРДИЕВА,  
ТАТУ радиотехника факультети  
1-босқич талабаси


"Ўзбектелеком" АК

## “ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республикамиз алоқа ва  
ахборотлаштириш соҳаси ходимларини  
яқинлашиб келётган  
**АЛОҚАЧИЛАР КУНИ**  
билин муборакбод этади.

Азиз ҳамкаслар!

Сизларга соҳа ривожи  
ва истиқболи йўлидаги саъи-  
ҳаракатингизда улкан ютуқлар  
тилаймиз!



Айёмингиз муборак бўлсин!

TATU TALABALARI

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА  
АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛIGИ



Маълум қилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 нообрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолияти лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"SARKOR WIRELESS COMMUNICATIONS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001985 рақамли;

"МОВІСОН NETWORKS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўйма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002787 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2011 йил 6 апрелдан тутатилиди.

## “Офис 5 дақиқада” хизмати

“Beeline Business” бизнес ва ОАВ вакиллари учун “Офис 5 дақиқада” хизмати тақдимотини ўтказди.

Эслатиб ўтамиз, “Офис 5 дақиқада” – бу телефон алоқаси, интернетда ишлаш ҳамда компьютер тармогини ташкиллаштириш учун комплекс ечимдир. “Билайн” СИМ-картали ихчам 3G-роутер стационар телефонни улаган ходимларга интернетда ишлаш имкониятини тақдим этган ҳамда локал тармокни созганинг ҳолда бутун оффис ишини мустақил равишда ташкиллаштириш имкониятини беради.

“Учинчи авлод тармоқларининг фоал ривожланиши девайсларга таълими оширияпти, – қайд қилиди “Юнител”нинг жамоатчилик билан алоқалар хизмати катта менежери Ораз Абдураззоков. – Агарда USB-модемлар оммавий бозорга тегишили бўлса, 3G-роутерлар айнан бизнесга жуда мос тушали. Яқин ойларда “Билайн” 3G тармоқлари Ўзбекистон-



нинг яна ўнлаб шаҳарларида жорий қилинади, демак, “Офис 5 дақиқада” хизмати ёрдамида кириладиган интернетнинг тезлиги жиддий равишда ошиди”.

3G-роутерга, тармоқ кабели ёрдамида уланган 2ta компьютердан ташкари, 64 тагача Wi-Fiдан фойдаланилган компьютер ва бошқа мосламаларни, шунингдек, битта стационар (аналоги) телефон аппаратини улаш мумкин. 3G-роутернинг дастурий таъминоти айни вақтда “Билайн”нинг тармоғида мосламанинг ишини таъминлаш учун аввалидан ўрнатилган мосламаларни ўз ичига олган. Асбоб-ускуналарни мустақил созлаш учун маҳсус интерфейс кўзда тутилган. Хизматта уланишнинг баҳоси КҚСиз \$300ни ташкил этади. Батафсил маълумот – <http://b2b.beeline.uz> сайтида.

## «Good'ok» хизматининг ноёб имкониятлари

“МТС-Ўзбекистон” компанияси GOOD'OK хизмати функциялари кенгайтирилиши ва янги «GOOD'OK яратинг» ва «GOOD'OK ўйнанг» сервислари ишга туширилишини маълум қилиди.

Ўзбекистонда биринчи бўлиб “МТС-Ўзбекистон” абонентлари «GOOD'OK яратинг» ва «GOOD'OK ўйнанг» янги сервисларидан фойдалана олиши. Ушбу сервислар «GOOD'OK» хизматидан фойдаланишида янги имкониятларни очиб беради.

«GOOD'OK яратинг» сервисидан фойдаланган абонентлар мустақил равишда аудиофайл яратишлари (ўз мусиқаси, табиат шовқини, овозлар

ва ҳоказоларни ёзиб олишлари) ва кирувчи кўнгироқлардаги кутиш гудоги ўрнига уни ўрнатишлари мумкин. Яъни, кўнгироқ қилган абонентга ўрнатилган узун гудоклар ўрнига аудио-файл эшигитади.

«GOOD'OK яратинг» сервисидан фойдаланиши учун абонент «GOOD'OK» хизмати ВЕБ-порталидаги «Шахсий кабинет»га кириши керак. Кўчириладиган шахсий контент кўрсаткичлари:

- Кўчириладиган файлнинг максимал ҳажми – 0,47 Мб,
- Файл формати – wav,
- Мусиқа вақти – 40 сонни.

Хар бир шахсий мусиқани

кўчириш ва ундан фойдаланиш нахки ҳар ойда КҚС билан бирга (ушбу солиқ тўловчилиари учун) \$3,00, (музиқа модерациядан ўтгандан кейин ҳар 30 кунда 1 марта).

«GOOD'OK ўйнанг» сервисидан фойдаланган абонент чиқувчи кўнгироқларни амалга оширганда, у узун гудоклар ўрнига ўзига ёқкан мусиқани ўрнатиб (ўз мусиқасини ёзиб олиши, GOOD'OK хизмати каталогидан ўзига ёқкан мусиқасини танлаши), танлаган мусиқасини эшигитади мумкин.

Абонент [www.goodok.mts.uz](http://www.goodok.mts.uz) сайтидаги ўзининг шахсий кабинетида чиқувчи кўнгироқ учун мусиқа ўрнатиши мумкин.

## AKM HAYOTIDAN

Хоразм вилоят ахборот-кутубхона марказида Амир Темур таваллудининг 675 йиллигига бағишиланган “Амир Темур жаҳон тарихида” мавзууда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

## Амир Темур жаҳон тарихида

Вилоят Амир Темур жамғармаси раиси, Урганч Давлат университети маънавият ва мъзрифат ишлари бўйича проректори, доцент С.Давлетов, тарих факултети декани Т.Абдуллаев, тарих факултети доценти С.Наврӯзов, “Тарих кафедраси” мудири, тарих фанлари номзоди У.Абдуллаевларнинг маърузалари тингловчиларда катта қизиқиши ўфтоди. Маърузаларда Амир Темурнинг ўрта Осиё ва Шарқ цивилизацияси, давлатчиликни ривожлантириши, сиёсат ва маданиятни ривожига кўшган катта ҳиссаси таъкидланди. Анжуманда университет ўқитувчилари ва талабалар томонидан маърузалар ўқиди. Шуниси кувонарлики, анжуманда тажрибали ўқитувчилар билан бир қаторда, 1-2-босқич талабалари ҳам фаол қатнашдилар.

Анжуманида АКМ директори ўринбосари Э.Ҳамидуллина олиб борди.

**З.МАШАРИПОВА,**  
Хоразм вилоят АКМ фойдаланувчиларга  
хизмат кўрсатиш бўлими мудири

Самарқанд вилоят АКМ ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ҳамкорлигига Амир Темурнинг 675 йиллигига бағишиланган “Амир Темур жаҳон тарихида” номли тадбир кечаси ўтказилди. Тадбирда колледж талабаларининг Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маърузалари тингланди, саҳна кўринишлари ва рақслар намойиш этилди. Маънавият ва мъзрифат, ёшлар билан ишлаш бўлими бош кутубхоначиси З.Шарапова “Янги адабиётлар тақдимоти”ни ўтказди. Тадбирда иқтидорли қатнашчиларга совфалар топширилди.

**Д.ЯҲЁЕВА,**  
Самарқанд вилоят АКМ  
ўлкашунослик сектори мудири

## ZULFIYAXONIM IZDOSHLARI

### Мактабда учрашув

Ҳар қандай мамлакат иқтидорли, салоҳиятли ёшлари билан дунё олдида ўз маънавий даражасини намойиш этади. Ёш иқтидор соҳибаларини раббатлантириши мақсадида ташкил этилиб, мамлакат қизлари орасиди катта ижтиё мой ҳодиса сифатида ўтироф этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти каби мукофот ўзбекистондан бошқа мамлакатда қайд этилмаган. Бу мукофот мактаб, лицей, коллеж ва олий ўкув юртларидаги аъло баҳоларга ўқиётган доно ва зукко, адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим соҳаларида катта ютуқларга ёришидан 14 ўшдан 22 ўшгacha бўлган қизларга берилди.

Зулфияхонимга муносабиб ворис бўлиш истиғдаги ёшлар пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 178-мактабда ҳам кўпилаб топилади. Хусусан, мактабнинг аълочи қизлари Мадина Юсупова, Гавҳар Жаҳонгирова, Камила Колчевалар туман ва шаҳар миқёсидаги танловларда фахрлар ўрнинларни кўлга киритишган. Яқинда мактабда 2010 йили Зулфия мукофотига сазовор бўлган Успенский номидаги мусиқа лицеининг 2-босқичида таҳсил олётган Тамила Саримсоқова иштирокида учрашув ташкил этилди. Қизиқарли савол-жавобларга бой бўлган тадбир ўқувчиларимизда катта таасусурот қолдириди.

Бу каби талбирлар қизларимизни янада ўқиб-изланишига, истиқолол неъматларини қадрлашга, ўзларига билдирилган юқсак ишончга муносабиб бўлишга ундаши шубҳасиз.

Чилонзор туманидаги 178-мактаб хотин-қизлар қўмитаси раиси

Утганларнинг охириати обод бўлсин

“ЎзИ-Карши” филиали жамоаси филиалининг “Alcatel-S” стансияси оператори Асрор ДАМИНОВинг

вафот этганликни мусобаби билан мархумнинг оила алоҳолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қоракалпок филиали Ҳужайли тумани почта алоҳаси тармоги жамоаси Найман алоҳа бўлими бошлиги Азимжон Қазакбаева отаси

Қазақбай отасига ишончни билан чукур таъзия изҳор қилиди.

## Боғнинг файзи бўлакча

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси замон талабларидан келиб чиккан холда тадбиркорликни ривожлантириш, бандликка хисса кўшиш, ишчи-ходимларни ижтимоий муҳофаза килиш ўйлидан бормокда. Ўтган йили Фарғона туманинг хокимининг карори билан Лоғон қишлоғида ажратилган 5 гектар ерда боғ яратилганлиги хам бунга ёркин мисол бўла олади.

Ўшанда ташландиқ, ажриқзор бўлиб ётган ерлар бир неча кун давомида тозаланиб, 600 туп шафтоли, 500 туп ўрик, 580 туп қашқар гилоси, 300 туп хусайнит узуми экилган эди. Бу йил шафтолидан или ҳосил олини кутилмокда.

Яқинда боғ қатор ораларига экилган картошка-ю сабзилар кўкариб турибди.

— Энди помидор экиш тарафидан кўрпимиз, — дейди боғбон Элбек Маҳмудов. — Ер ажратиб берилган оилалар бу имкониятдан фойт маннун.



Агар сувдан муаммолар туғилмаса, яхшигина ҳосил етиширамиз.

Янги боғда бутунгача олиб борилган ишлардан кўнгил тўлади. Ҳосил пишиб этилса, ундан оилалар ҳам бирдай баҳраманд бўлади. Мева ва сабзавотлар филиал жамоаси аъзоларига бозордагидан арzon нархларда сотилади.

Ха, шафтоли гуллари ифоридан ўзгача тароват касб этган боғ юртдошларимизнинг яратувчилик иштиёқини чандон оширмоқда.

**Ҳафиза САЛЯХОВА,**

“Хабар”нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

“Ўзбектелеком” АК

**“ХОРАЗМ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Барча ҳамкасларини яқинлашаётган  
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ

билин қизғин табриклайди.

**Азиз алоқачилар!**  
**Ватанимиз равнақи йўлидаги**  
**саъй-ҳаракатларингизда үлкан**  
**муваффакиятлар тилаймиз.**

**ОРЗУЛАРИНГИЗ УШАЛАВЕРСИН!**

**Паралимпия ўйинларига йўлланмалар**

Туркияда кўзи ожизлар ва заиф кўрувчилар ўртасида ўтказилган IV Бутунжаон ўйинларида ҳамюрларимиз муносаби иштирок этиб, 2012 йили Лондонда бўладиган XIV Паралимпия ўйинларига дзюдо ва енгил атлетика бўйича йўлланмалар олди.

Мусобака дастуридан жой олган дзюдо баҳсларидаги ҳамюртимиз Шариф Халилов бронза медал билан Лондондаги Паралимпия ўйинларидаги иштирок этиши хукуқига эга чиққан бўлса, енгил атлетиками Алишер Усмонов 400 ва 800 метрга югуриш баҳсларидаги халқаро меъёларни бажариб, бир йўла иккита йўлланмани кўлга киритди. Шунингдек, Аброр Иброҳимов ва Дониёр Солиев уч ҳатлаб сакраш баҳсларидаги тўртинчи ўринни эгаллаб, Лондонга борадиган бўлди.

Шахмат бўйича шахсий беллашувларда ҳамюртимиз Куролбой Жакашев бронза медални кўлга киритди. У яна бир тажрибали шахматчимиз Амирулло Абдуллаев билан бирга жамоавий баҳсларда ҳам учинчи ўринни эгаллади.

**Кикбоксинг: тажриба ва маҳорат кўриги**

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича мамлакат чемпионатида уч юз нафарга яқин спортии голиблик учун куч синаанди.

Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионати совриндори Жамолиддин Салимжонов вазни 57 килограммдан ортиқ спортчилар ўртасидаги финал баҳсида яна бир тажрибали спортич Зиёвиддин Мухиддиновни мағлубиятга учратиб, олтин медални кўлга киритди.

Шунингдек, пойтахтлик Нурилдин Долимов, Дилшод Содиқов, Аҳмад Олимбеков, андженонлик Асилбек Ҳосилов, бухоролик Соҳид Самадов, сирдарёлик Рўзи-мурод Тўракулов, намангандик Муҳаммад Раҳимов, сурхондарёлик Одил Нуралiev каби ёш спортчилар ҳам голиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

**Албина – бош соврин сохибаси**

Қозогистоннинг Олмаота шаҳрида хотин-қизлар ўртасидаги Халқаро тенис федерацияси мусобақалари тақвимига киритилган халқаро турнирда ўзбекистонлик тенисчилардан Албина Ҳабибулина ва Влада Якшибарова муваффакиятли иштирок этиди.

Жуфтлик беллашувларида словакиялик Зузана Лукнарова билан биринчи рақамли дуэтни ташкил қылган Албина Ҳабибулина бош совринни кўлга киритди.

Яккалик баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қылган Влада Якшибарова барча рақибларини мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Сўнгти учрашувда россиялик Надежда Горбачковага имкониятни бой берди.

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ**  
**НАВОЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Бетакрор Ўзбекистон заминида меҳнат қилаётган барча алоқачиларни КАСБ БАЙРАМЛАРИ билан табриклайди.**



SPORT

**ОФК кубоги: «Насаф»да ғалаба, «Шўртан»да дуранг**

ОФК кубогининг учинчи турнида Хиндистоннинг «Демпо» клуби меҳмони бўлган «Насаф» бу сафар ҳам галабага эришиб, ўз очколари сонини 8тага етказиб кўйди.

**«ДЕМПО» – «НАСАФ» – 0:4**

**Голлар:** Илҳом Юнусов 47, Лутфулла Тўраев 13, Шуҳрат Мирхолдишоев 72, Переплёткин, 82.

Кубокда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган яна бир жамоамиз – «Шўртан» ўз майдонида Суриянинг «Ал-Иттиҳод» жамоасини мағлуб эта олмади.

**«ШЎРТАН» – «АЛ-ИТТИҲОД» – 1:1**

**Голлар:** Игор Таран 44 – Марян Йугович 2

**“Реал” – “Барселона”,  
“Шалке-04” – “МЮ”**

Европа чемпионлар лигаси ўйинларининг чорак финал жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.

**«Манчестер Юнайтед» – «Челси» – 2:1 (Биринчи ўйин – 1:0.)**

**Голлар:** Эрнандес, 43 (1:0); Дрогба, 77 (1:1); Пак Жи-Сун, 78 (2:1).

**«Шахтёр» – «Барселона» – 0:1 (Биринчи ўйин – 1:5.)**

**Гол:** Месси, 43 (0:1).

**«Тоттенхэм Хотспур» – «Реал» – 0:1 (Биринчи учрашув – 0:4.)**

**Гол:** Роналду, 50 (0:1).

**«Шалке-04» – «Интер» – 2:1 (Биринчи учрашув – 5:2.)**

**Голлар:** Раул, 45 (1:0); Мотта, 50 (1:1); Хеведес, 81 (2:1).

Шундай қилиб, ЕЧЛнинг ярим финалида “Реал” – “Барселона”, “Шалке-04” – “МЮ” тўқнашувига гувоҳ бўламиз.

# “ZiyoNET”да учрашув

Куй-кўшик миллий маданиятимизнинг негизларидан хисобланади. Негаки, кўшикчилик, мусика факат ахолининг маълум табакасига мансуб соҳа эмас, ундан барча барбар баҳраманд бўла олади. Шу сабабдан ҳалқ оғзаки ижодига мансуб кўшиклар, лапар-ўланларимиз асрдан-асрга ўтиб, сайдалланиб келмоқда. Баъзан умрида бирор марта ҳам бадий асар ўқимаган инсонни учратишими мумкин, лекин умрида кўшик эшитмайдиган, кўйнинг сехрли садосига маст бўлмайдиган инсонни топиш мушкул.

Айниқса, Фахриддин Умаровнинг зебо қўшиқларини тингламаган ва ўзица хиргойи қилиб кўрмаган инсон бўлмаса керак. Юнус Ражабий мақомнинг нафис жилолари ни кўрсатиб, нечоёлиқ дилга яқин эканлигини исботлаб берган бўлса, Фахриддин Умаров ҳалқнинг дарди, кувончини, ютуқларини, муҳаббатини, Ватанин мадд этиш орқали ўзбек лирик қўшиқчиликининг йўлбошчилари сифатида қўшиқчилик дунёсига кириб келди. Унинг қўшиқларида ҳамиша эл-у юрт дарди, инсон тақдиди, ҳаётини севиш, муҳаббат сингари фоялар кўйланади. «Азиз Ватаним», «Эй, муҳаббат», «Ўзбегим», «Ҳилол эмасму?», «Умр ўтмоқдадур», «Онам дерман» ва бо-

шқа кўплаб қўшиқлари аллақачон ҳалқимиз қалбидан чуқур жой олишга ултурган.

“ZiyoNet” ахборот-ресурс тармолида устоз санваткор, соз ва сўз сеҳри соҳиби Фахриддин Умаровнинг ёрқин хотириасига бағишилаб учрашув ўтказилди. Унда Ф.Умаровнинг шогирди, издоши — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳожиакбар Ҳамидов ҳамда шоир Муҳаммад Исмоил иштирок этдилар.

Учрашувдан кўзланган мақсад — ўзбек маданияти ва санъати ривожланишига, мумтоз қўшиқлар яралишига ҳисса қўшган буюк санъаткор ва ижодкорларнинг фаолиятини интернет орқали жаҳонга та-



нитиш ва ёритиб беришдан иборатдир.

Фахриддин Умаровнинг ижодий мероси “ZiyoNet” ахборот-ресурс тармолининг Utube.uz видео-сайти орқали санъат шинавандаларига тақдим этилмоқда. Uforum.uzning ZiyoNET бўлимида эса “Навосоз

устоз ҳофиз — Фахриддин Умаров” мавзусида виртуал мулоқот олиб бориляпти.

**Равно ҲЎЖАЕВА,**  
“ZiyoNet” ресурс марказининг  
Ҳалқ таълими вазирлиги  
ҳузуридағи бўлими 1-тоифали  
мутахассиси

## Мехр-оқибат бўлса...

Қадимда Мовароуннаҳр қишлоқларидан бирда Абдуллоҳ Иброҳим исм-шарифли бир инсон яшаган экан. У ниҳоят бой-бадавлат бўлиш билан бирга, саҳий ва қўли очиқ экан. Боларидаги меваларнинг, даладан йигил оладиган доннинг анчагина қисмини камбағалларга бўлиб берар, эшигига ким бирор нима сўраб келса, куруқ қайтармас, лекин қилган яхшиликларни бирор жойда миннат қиласа экан.

Бир куни унинг ҳузурига Бахт ва Давлат рухсат сўраб киришибди ва унинг хонадонидан кетмоқчи эканликларини, улар бошқаларга ҳам кераклигини айтишибди.

— Мен нима ҳам дердим, — дебди Абдуллоҳ Иброҳим. — Ҳар бир иш Аллоҳнинг изни билан бўлади. Фақат бир нарсани илтимос қўлмоқчиман. Мен

ўғилларимни чақирай, уларнинг ҳам фикрини билай. Бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўлинг. Сўнг бир қарорга келарсиз.

Шундан сўнг ота ўғилларини ёнига чақириди ва Бахт ва Давлат уларни тарк этмоқчи эканлигини айтибди.

— Отажон, — дебди катта ўғил. — Сиз бизларнинг ҳар биримизни ҳунарга ўргатгансиз. Минг шукрки, мен ҳам темирчилик касбими пухта ўзлаштирганман. Сизнинг хайрли дуоларнинг бўлса бас, ишимни давом этиравераман. Топгандарим эса сизни кидир.

— Улар тўғри қарорга келишибди, — дебди иккичи ўғил. — Дарҳаққиат, Бахт ва Давлат бошқаларга ҳам керак-ку! Мен сизнинг истагиниг билан нақошликни ўргангандам. Касбими хяши кўраман ва ишимни кенгайтираман. Сиз дуо қилиб турсангиз

бўлгани. Топгандаримни ўзингиз сарф-харажат қиласиз. Зоро, барака дуода дейдилар.

— Мен ҳам акаларимнинг фикрларига қўшиламан, — дебди кенжә ўғил. — Ўзингиз доимо ўқтирганингиздек, кун — бирликда. Сувоқчиликдек ажойиб касбим бор. Мижозларим ҳам кўпайиб қолган. Сизнинг дуо-илтижоларнинг билан ишлайвераман. Ишона-манки, ҳаётимиз олдингидек баҳти ба фаровон давом этади.

Ота ўғилларининг гапидан мамнун бўлиб, уларни дуо қилибди.

Ота ва ўғиллар ўртасидаги меҳр-оқибат, иззату хурматни кўрган Бахт ва Давлат эса бу хонаондан кетмасликка қарор қилишибди.

Мехр-оқибат бор жойга бахт ва бойликнинг ўзи кириб келади, деб шунга айтишган экан.

### XANDA

#### Майдалашта

- Биласанми, дутонажон, мен бир йигитни севиб қолдим.
- Қачон?
- Кечা.
- Бир ҳафта олдин севиб қолганингчи?
- Э... у бошқа эди.
- 1 март куни севиб қолганингчи?
- Эй, майдалашмагин.
- Кўпайиб кетишиди-ку, коллекция тўплайсанми?
- Тўрги, мен севяпман, лекин улар мени севмаяпти-да...



**Матлуба НАСРИДДИНОВА,**  
“ТШТТ” филиали ходими



### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Сайдо Насафий помидаги Қашқадарё вилоят АҚМ жамоаси ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси аъзолари марказининг адабиётларни жамланбилимни баш кутубхоначиси Людмила САЛОВАни 60 ёши билан самимий муборакбод этиб, унга талисисатлик тилайди.  
\*\*\*

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Фурқат почта алоқаси тармоли ходими Алижон ВАЛИЕВни 60 ёши, Риштон ва Фарғона почта алоқаси тармоли ходимлари Нематжон ЖЎРАЕВ ҳамда Зухрахон СУЛТОНОВАни 50 ёшига тўлишлари муносабати билан чин диллан кутлайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОЛШАТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош мұхаррир:  
Абдусаид КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатта олинган.

Вилоят мұхбирлари:

Андижонда 226-47-80  
Бухорода 223-27-85  
Гулистанда 40-12-19  
Жиззахда 226-06-34  
Навойида 225-91-10  
Наманганда 226-61-85  
Нукусда 554-35-45  
Самарқандда 233-61-81  
Термизда 224-06-12  
Тошкентда 288-40-66  
Ургончда 226-37-16  
Фарғонада 226-87-71  
Каршида 314-08-99

**ТАҲРИР ҲАЙТАТИ:**  
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайратини), Асаджон ҲЎЖАЕВ, Мириод САНГИЛОВ,  
Шуҳрат СОДИКОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувон НАҶБИДДИНОВ,  
Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош мұхаррир ўрингиси),  
Лутфилот ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририята келган кўлзёма ва суратлар эгаларига қайтарилимайди.  
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикрларидан фарқланши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижоријат материал — 1**  
Реклама матнларининг тўргилигига таҳририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашса интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шоҳхӯчаси, 8-й.

Телефон: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.

Факс: 288-40-72. Е-mail: info@xabar.uz

Обула индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасидаги терилиди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.  
Навбатчи: Усмонжон Йўлдошев.

**ISSN 2010-6424**

Босишига топширилди — 20.00.  
Босишига топширилши вақти — 20.00.